

Қиём қорақ

ЮСУФ
ШОМАНСУР

с т. 100 а

и-77

Юсуф
Шомансур

Қўш
юрак

Шеърлар

014860



Тошкент

Ғафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

1981

ЗАМОН КУЙЧИСИ

Юсуф Шомансур 60-йилларда адабиётга кириб келган шоирлардан бири. У ўзининг илк ижодидаёқ илиқ мисралари билан китобхонлар қалбига йўл топа олди. Юсуфнинг ўзи камтаринлик билан ёзади:

«Биринчи шеърим матбуотда чиққанда 14—15 ёшларда эдим. Шу ёшда Н. А. Островский номидаги пионерлар саройи қошидаги адабиёт тўғараги ҳаваскорлари сафига кириб қўшилдим. Раҳбаримиз Ғайратий домла! Тўгарак аъзоларидан Хайриддин Салоҳ ва Эркин Воҳидовлар аллақачон ҳаваскорликдан чиқиб олган эдилар».

Юсуф Шомансур ҳам фикрлашда топқирлиги ва мулоҳазалари билан янги-янги образлар излашда ўз тенгқурларидан ажралиб турарди. У, айниқса, сийқаси чиққан қофияларни ишлатишдан қочарди. Шоирнинг чашма ҳақидаги шеърида шундай мисралар бор:

Қониб ичиб майсалар
Ўсади.
Тоғлиқларга сув берар
Кўзада.

«Ўсади»га «кўзада» чалароқ қофия бўлса-да, ёш шоирнинг изланишлари эди. Унинг, айниқса, болаларга аталган шеърлари раволиги ва бир оз кулги — юмори билан ёш китобхонларга ёқиб тушди. Унинг биринчи китоби «Горн садоси» ҳам болаларга аталган эди.

Бу жиҳатдан унинг рус шоирлари ижодидан руҳланиб ёзган «Барабан» шеъри характерлидир. Бола отасига барабан олиб беринг, дейди. Ота ўғлига, барабан олиб берсам, чалавериб миямни қоқиб қўлимга берасан, деган мулоҳазани билдирганда, бола бола тили билан, «олиб бераверинг, ўзим яхши боламан, барабанини сиз ухлаганда чаламан», деб жавоб беради.

Юсуф Шомансур тезкор шоир эди. Ҳаётимиздаги улкан воқеалар ҳеч қачон унинг эътиборидан четда қолмасди. Ҳар бир воқеага тезкорлик билан шеърый жавоб берар эди. У нима ҳақда ёзмасин, энг аввало одам ва олам азиз бўлишлигини уқтиради, одам ва олам ижодкорга ҳам мангу мавзу эканлигини унутмайди:

«Ишонаман, ўша вақтлар ҳам
Одам, олам азиз бўлади.
Ҳалол меҳнат, покиза илҳом,
Нон ва қалам азиз бўлади...»

Шоирнинг «Олий Совет боғи ёнида», «Тонготар қасидаси», «Чорак аср ёшим бор», «Муқаддас бирлик» каби қатор шеърлари худди шу мавзуларнинг ёрқин ифодасидир.

Юсуфнинг дилидан қуюлган ҳар бир шеърда ўзининг чексиз бахти, бахтиёрлиги барқ уриб туради. Бу бахтиёрлик халқ бахти билан, дўстлик, қардошлик, тинчлик, фаровонлик ғоялари билан қоришиб кетади.

Азиз китобхон! Қўлингиздаги бу шеърӣ мажмуа шоирнинг бевақт ўлиmidан кейинги биринчи нашрдир. Бу тўпламга унинг турли даврларда ёзган турли мавзулардаги шеърлари жамланди. Тўпламдан унинг илк ижод намуналаридан баъзилари ҳам ўрин олди.

Юсуфнинг шеърлари ҳамон шеърхонлар даврасида Уни ўқийдилар, севадилар.

Шоир:

«...Мен асрим куйчисиман,
Тош эритар товшим бор,
Чорак аср ёшим бор!
Чорак аср ёшим бор!» —

дейишга тамоман ҳақли.

Юсуф Шомансур яхшигина таржимон шоир ҳамдир. Унинг В. Шекспирдан таржима қилган «Сонетлар» китоби қўлдан-қўлга ўтиб, шеърӣят мухлисларини хушнуд этди.

Бу мажмуага шоир қилган таржималардан ҳам намуналар киритишни маъқул кўрдик.

Юсуф Шомансур асарларига ҳали кўплаб мунаққидлар мурожаат қилади деб умид қиламиз.

Шоир ижодидан кичик бир гулдастани қилин қирқ ёрувчи шеърхонлар ҳукмига ҳавола этар эканмиз, сўзимизни Юсуф Шомансурнинг ўз сўзи билан тугатмоқчимиз:

«...Боқ, гувоҳномангда офтобдай балқир
Уроқ ва болғалик Ватанинг герби.
Туғилганингданоқ ишониб халқнинг
Улуғ мамлакатни қўлингга берди!»

ТУЛҚИН

Декабрь, 1980

ҚАЛАМНИНГ БУРЧИ

ЭЪТИҚОД

Дунёни ёшартирмоқ борасида борар экан сўз,
Ер юзида
Эзгуликнинг ғалабаси экан барқарор,—
Коммунистик эътиқоддир Тарих учун
Ҳам ақл, ҳам кўз.
Яхшиликнинг виждонидай юзага чиқар
Коммунистик ҳар қарор.
«Аврора»нинг залли билан
Большевистик ташкилотларнинг
Пинҳон-пинҳон орзулари янграганда баралла,
Не-не тилсимотларнинг,
Не-не мушкулотларнинг
Қонқалари қарс-қарс очилиб кетди!
Жаҳон
Қайтмас бир тараққиётга ўтди
Паллама-палла.
Коммунистча нафас билан,
Шижоат билан
Қудратланди СССР — диёрлар омихтаси,
Ки ҳеч қандоқ камолот
Тенглашолмас бундай камолот билан!
Демак,
Коммунистча дўстлик бўлди
Дўстликнинг энг пухтаси!
Ёвузликнинг энг ашаддий,
Энг қутурган тимсоли — фашизмки бир мараз —
Шу Дўстликнинг зарбасидан
Янчилди,

Абадий қон-қақшади:

Сувларнинг соҳилида бомбалардан кучлироқ

Бинафшалар бемалол кўкармоқда хуш ораз!

Йигирманчи аср!

Энг суронли,

Энг бўронли, энг мушкул аср:

Ҳар қадамда қаср-қуср,

Ҳар қадамда тараққиёт, тўполон,

Ақл бовар қилмас техника

Айни роҳат, айни ажал, айни таҳлика!

Шақилдоқнинг ичидаги тошми дейсан

Бу асрда ҳар инсон!

Хайриятки, дунёда

Коммунисту коммунистик эътиқод тирик:

Бўз тупроқда, кулранг самода

Ташлай олмас ҳеч ким ҳеч кимни қириб!

Қанчалик зўр тараққиёт дағдағасида

Йўқотмасин эсини,

Сўхарҳез булбулларнинг навосини

Ҳам

Бугдой ноннинг исини

Сақлаб қолгай-ку одам!

Гулни топтамоқ мумкин,

Аммо

Гул ҳиди ўтаверар димоқдан димоқларга.

Эътиқоди билан инсон инсон доимо

«Оллоҳ», деб фотиҳага қўл очган содда чоғида ҳам у

Узоқ-узоқ ўйга ботган

Кўз тикиб кафтдаги қадоқларга.

Коммунистик эътиқод-чи?

Бугун

Шундоқ сингиб бормоқдаки инсон қонига,

Кул устида бўлса ҳам,

Қил устида бўлса ҳам

Кўрипмоқда кўзларига бу ҳаёт гулгун;

Демак,

Шу эътиқод ора кираф
Тирик жаҳон жонига,
Демак,
Шараф бўлсин коммунистик аср бўлган
Шу асрнинг шаънига!

1974

МЕҲРИНГГА ТҶИМАЙМАН

Кўз очиб нур кўрдим қучоқларингда,
Бахмал қирларингда ёзганман қулоч.
Эркин нафас олдим ўтлоқларингда,
Кўллар кўзгусида тараганман соч,
Меҳринга тўймайман, жонажон ўлкам!

Қуёш атласидан ёйганингда сеп,
Ҳуснинга бир умр бўлганман мафтун.
Жўшқин булоқларинг сувини ичиб,
Юрагимда сақлаб қолганман тафтин,
Меҳринга тўймайман, жонажон ўлкам!

Сенга севгим чексиз қирларинг қадар,
Аммо севгим ўзи эмас кифоя.
Жоним бахш этмоққа тайёрман, тайёр,
Туширмайман асло бахтинга соя,
Меҳринга тўймайман, жонажон ўлкам!

Оқ олтин дарёси тошганда селдай,
Пўлат аргумоққа минмагунимча,
Тонгдан оқшомгача тер тўккан элдай,
Кенг далангда тиниб-тинмагунимча,—
Меҳринга тўймайман, жонажон ўлкам!

Сурхон водийсида қўйлар подасин
Саратонда ҳайдаб, қирларга ёйиб,
(Асло қўмсамасдан боғ шабадасин!)
Қуёш қозонида пишмаса пайим,
Меҳринга тўймайман, жонажон ўлкам!

Ёруғ, улуғ, қутлуғ иморатингга
Олтиндан гишт териб, цемент қормасам,
Қудрат қўшмоқ учун зўр қудратингга,
Маъдан излаб, тоғлар кўксин ёрмасам
Меҳрингга тўймайман, жонажон ўлкам!

Тер тўкиб, қўр тўкиб, кўздан нур тўкиб
Эртаги кунингга голиб боқмасам,
Металл жарангидан қўшиқлар тўкиб,
Мартень, домналардан қуёш ёқмасам,
Меҳрингга тўймайман, жонажон ўлкам!

1960

ТОНГОТАР ҚАСИДАСИ

Саҳар туриб боғига чиқар ялангтўш боғбон,
Фарзанддек таъзим этар ниҳоллар ҳузурида.
Шафтолилар гуллаган, сутга чайилган жаҳон,
Гулбаҳор ташналиги қушларнинг чуғурида.
Йўлга кирган гўдакдек ишком аро эмаклар
Қуёш қўрини эмган бултурги ток навдаси.
Яшиллик денгизида чайқалар толбаргаклар,
Ўпкангни тўлдиради ялпизларнинг нафаси.

Лоланинг ёқутлиги,
Уфқнинг барқутлиги,
Самонинг булутлиги
Ва булутнинг қутлиги
Жонингга ҳузур берар,
Қўзларингга нур берар.

Ҳаворанг тўр ичидан хайрлашар юлдузлар,
Чинорни асо қилиб тоққа чиқар қуёш ҳам.
Келиндай жилва билан уйғонар дала-тузлар,
Паҳлавондай гувраниб қулоч ёзар субҳидам.
Эл қўзғалар гўёки саҳрода сел кўчгандай,
Тоғда шалоламисол қалбдан тошар ифтихор.
Қосмосга Гагариннинг ёнбошида учгандай,
Қувончларга олам тор, қувончларга олам тор.

Дарёда ҳам қуруқда,
Янги очган қўриқда,

Маслаҳат, йўл-йўриқда,
Ерга сепган уругда —
Шу ифтихор, шу ғурур,
Зинҳор-зинҳор, шу сурур.

Тонгга қадар ланг очик ҳув шоир деразаси,
Бинафша сўлимлиги илҳом тароватида.
Қофия жилосида Фарғонанинг нафаси,
Россия қудрати бор қўшиқ нақоратида.
Қаламини Навоий олмосида тарашлаб,
Твардовский достонин салмоқдор хижо билан,
(Гўё арслон изидан йўлбарсдай қадам ташлаб!)
Ўз созида басталар дилрабо наво билан.

Отахон Ғафур Ғулом,
Бағри кенгдир бир олам.
Чинорлар бўлса қалам,
Унга қоғоздир далам!
Жанговардир сиймоси,
Дарёча бор сийнаси!

Трамвайдек заҳматкаш шахрим турар оёққа,
Бунёдкорлик курашин бошланар жарангоси.
Мўминтой атом билан ўт ёқамиз ўчоққа,
Атом оддий ёқилғи, атом дардлар давоси.
Кўзларингиз ўйнасин, кўринг, ғарблик жаноблар,
Атомни портлатмаймиз, пориллатамиз нурдай.
Темирни олтин каби шижоатимиз тоблар,
Олтинлар дилимизни занглатмайди темирдай.

Ишчилар синфим ботир,
Меҳнат, курашда қодир,
Элга жонин қоқадир,
Юртда тенгсиз баҳодир!
Уйига бугдой тўлгур,
Осмонида ой тўлгур!

Тонготар салобати ГЭСлар гулдуросида,
Яратар ҳам янгратар эл шонин куйга солиб.
Ўн саккиз ёшлик қизнинг атласдан либосида
Тонготар латофати кўринар ақлинг олиб.
Маёқлар деб аталган илғорлар дастгоҳида
Тонгдан янги зафарнинг таралади муждаси.
Дафиналар очилур ўлканинг ўн тоғида,
Яйловда қулоч ёзар ҳур меҳнат мўъжизаси.

Ижоду бунёд билан,
Фазода қанот билан,
Меҳнатда сабот билан,
Абадул-обод билан
Ҳар кун гўзал тонготар,
Гўзал, афзал тонготар!

1961

* * *

Янгроқлигинг,
гўзаллигинг,
бойлигинг
Мақтовимга муҳтож эмас заррача.
Она тилим,
Шоирингни койигин,
Гоҳ ғажидим сўзларингни аррадай.
Етдимми ҳеч
Теранлигинг қадрига?..
Деразамга
бир жуфт темир қоқаман,
Номи унинг «ошиқ-мошиқ!»
Ҳа, нега?
Қўлда болга,
Хаёл ичра оқаман.
«Очиқ-мошиқ!»
Оддийгина сўз билан
Совуқ темир тирилибди инсондай.
У жанг қилиб
бўрон билан,
Муз билан
Деразамни ушлаб турар посбондай.
Бало-офат ўтар нари-наридан,
Яқинлаша олмас «ошиқ-мошиққа».
Ошиқларнинг жони ахир
Темирдан,
Шун-чун ажал йўқдир ишққа,
Қўшиққа.

Ишонмоқдан жозибангнинг кучига,
Қайтмагайман ҳатто ўтда ёқилсам.
Она тилим!
Деразангнинг синчига
Қошки
«ошиқ-мошиқ» бўлиб қоқилсам.
Ошиқларнинг жони ахир
Темирдан.

1967

НОН ВА ҚАЛАМ

Ўроқ-бөлға бирлиги ерда
Зулм тоғини тамом парчинлар.
Табассумга тўлган юзларда
Бўлмас қайғу, бўлмас ажинлар.

Битта қўлда бешта панжадай
Иноқлашар беш улуғ қитъа.
Халқлар миллат, ирқ нима бил.
Бир-бирига бўлади қуда.

Ҳа, ўшанда кўкда ҳилолни
Сирға қилиб тақади қизлар.
Фан қудрати юз яшар чолни
Қирчиллама бир йигит қилар.
Чақмоқларни қўл билан ушлаб
Инсон жойлар гугурт қутига.
Қоинот-чи, қолар тил тишлаб,
Қойил бўлиб инсон кучига.

Ишонаман, ўша вақтлар ҳам
Одам, одам азиз бўлади.
Ҳалол меҳнат, покиза илҳом,
Нон ва қалам азиз бўлади!

1961

ЧОРАК АСР ЁШИМ БОР

Туғилганман асримнинг қирчиллама чоғида,
«Ноп» дейишни ўрганмай, жанг дейишни ўргандим.
Жангга кетган отамга «енг!» дейишни ўргандим,
Кичкина жангчи бўлдим Ватаним тупроғида.
Йўқ, йўқ, афсус чекмайман курашга кирмадим деб,
Оловда, алангада бўлмадим ҳам демайман.
Йўқ, йўқ, армон қилмайман фашистни қирмадим деб,
Мардлар билан майдонда ўлмадим ҳам демайман.
Жангга кирган аммоки омон қолган бошим бор,
Чорак аср ёшим бор, чорак аср ёшим бор!

Юз йил умр кўрмоқлик насиб бўлмас эҳтимол,
Икки буюк асрга гувоҳ бўлурман аммо.
Қирқ йилдан сўнг учрашар битта гўдак, битта чол,
Бир-бирига термилар, бир-бирига маҳлиё.
Гўдак — янги аср-у, мен — нуроний, мўйсафид,
Чўян қуйган қўл билан ипак сочин силайман.
Навқирон коммунизм қудратини кўрсатиб
Икки улуғ асрнинг томирини улайман.
Унга қадар йўлимда қанча бўрон, яшин бор,
Чорак аср ёшим бор, чорак аср ёшим бор!


Сайёралар қўйнида ўстирарман атиргул,
Марс саҳросин, эҳтимол, мен қиларман узумзор.
Аммоки умрим бўйи Ер деб бошим қотиргум,
Она-Ердан қарзим бор, она-Ердан қарзим бор.
Ер юзида бир инсон бўлгани-чун қора тан
Оқ кўнглини ёзолмаса, кўрсатмаса оқ тишин!

Доғингни кетказмай деб Ойга қандоқ бораман,
Лозиммасми Ердаги доғларни йўқотишим!
Шу аср, шу қасрда қанча кураш, ишим бор,
Чорак аср ёшим бор, чорак аср ёшим бор!

Асрим атом асримас, одам, одамлик асри,
Юз бомбанинг қадри йўқ битта қовоқ сомсадай.
Минг ҳарбий базадан зўр битта чақалоқ ясли,
Ёруғ дунё чиройлик қиз юзида ғамзадай.
Жавобгарман асримга, чўпдан то чамангача,
Қорачигим ичида қорачигдай сақлайман.
Коммунизм аталган замин у замонгача
Етмагунча курашда, жангга киприк қоқмайман.
Йўлимда гард кўринса, чимирилган қошим бор,
Чорак аср ёшим бор, чорак аср ёшим бор.

Эндиги юз йилликда тушга ҳам кирмас кишан,
Фақат жононлар зулфи занжир қилиб эшилар.
Нур ҳаққию пон ҳаққи, қон ҳақи онг ичаман,
Қулфланмас Ер юзида чегаралар, эшиклар.
Бунинг учун дард билан ёниб қайнашим керак,
Ҳамза, Мусо Жалилнинг бўғзида қолган шеърин
Қитъадан қитъаларга мағрур куйлашим керак,
Жонимдан жаҳонларга тошгунча ғазаб, меҳрим.
Мен асрим куйчисиман, тош эритар товшим бор,
Чорак аср ёшим бор! Чорак аср ёшим бор!

1963



МАРМАРГА ТОМГАН КҮЗ ЕШИ

Кафтдеккина ҳовлисига атиргул экди она,
Гоҳ челақда, гоҳ човгумда сув ташиди эрта демай,
Кеч демай.
Нурсизгина кўзларига нур берди ғунчалар ёна-ёна,
Она-да,
Ўғлимга етишсам дер, ҳижронида кўз юммай.
Арслонини кутиб илҳақ, бўлар ҳамон атиргул билан.
Ўғил жўнаган кундан гарчи ўтди 120 фасл.
Она-да,
Ҳисоблашмас уруш билан,
Замон билан,
Йил билан!
Ўладиган эмас эди ўғлим, деб
Такрорлайди муттасил.
Она-да!
Шу тариқа ўтаверди ойлар, йиллар ва умр,
Аммо эмас экан одамзод темир:
Фарзанд доғи онанинг оппоқ этди сочини,
Буриштирди ойдай юзин айрилиқнинг ажини.
Она-да...
Бир кун келиб маҳалла аҳли
Қурбонларнинг шарафига ўрнатди бир ёдгор.
Мармар. Оппоқ мармар.
Оқ кафандай, бузилмаган сингари тахи,
Тепасида мангу олов ёниб турар азадор.
Она кўм-кўк, томир босган жонсиз қўллари билан
Гулзоридан узиб олди битта атиргул.
Ёдгорликка қараб юрди секин, шошмасдан.

Зил...

Қабрдан қабрга қўйган каби ҳар қадами зил...

Она-да.

Охир келиб муздек мрамартошнинг устига

Бир дона атиргул қўйди вужуди титраб.

Уғли шундоқ кўриндию кўзига

Юм-юм йиглаб юборди. Туролмади ҳеч чидаб.

Совуқ мрамартошлар ҳам эриб кетди мисоли.

1941—1945 рақамлар

Фарёд кўтарди шунда.

Онанинг кўз ёшидан ҳўл бўлган шу рўмоли,

Ажабмас,

Яна минг йил тутиб турса бу дунёни тўлқинда.

Йиғи билан буришган ажиндор ёноғида

Жамики урушларнинг акс этди фожиаси.

Мрамартошга томган ёш

Жаҳоннинг ҳар ёғида

Бўла олур,

«Уруш нима» деган сўзнинг

Энг тўғри таржимаси.

1972

НАСИБА

Ўглини
Фронтга жўнатар чоғи
Она кўтармади ортиқча фарёд.
Кетгач,
Ўртаса ҳам фарзанд фироғи
Ортиқ йиғламади,
Эгмади қомат.
Уйининг тўрида осиклик бир нон —
Бир тишлам узилган насиба ҳамон
Тасалли берарди мушфиқ онага,
Қаноати сигиб турди
Сийнага.
Хат келди:
Фарзанди ёвларни суриб
Оловдан оловга ўтар эмиш соғ,
Ўгли тишлаб кетган нонга термилиб
Она хўп яйради,
Димоғлари чоғ.
— Оҳ, насиба! — деди, — насиба ўлмас,
Кўзларига суртди
Ўша патирни.
Ўтиб кетди
Йиллар
Нафасма-нафас,
Нигорон кутди у ўгли — ботирни...
Жигарпорасидан
Бўлмади дарак,
Энди,

Келмай қолди ўтли хатлари.
Она кутаверди ютганча юрак,
Тишланган патирга
Сингди дардлари.
Охир ғалабанинг наъраси янграб,
Осойишта ҳаёт
Тантана қилди.
Она
Гоҳ қувониб,
Гоҳ
Боши гангиб
Термилди,
Тишланган нонга термилди.
Ажин тушди силлиқ
Оқ ёноғига,
Бўртиб-бўртиб чиқди
Қўл томирлари.
Ҳамон
Насибани уй равоғига
Илиб қўйганича у
Термилади.
Оҳ, она!
Сен ёлган ризқи рўз — патир
Бежиз эмас экан замин шаклида:
Дунёнинг ўзи ҳам
Жангдан сўнг ахир
Бўлиб қолди
Шаҳид тишлаб кетган
Насиба!..

1975

ТУПРОҚ ҲАҚИДА УЧ ШЕЪР

1

Атиргул новдаси
Тиниқ шишада,
Тиниқ сувда нозик илдиз чиқарди.
Уни кўрган сарим
Ақлим шошади,
Тасаввур этаман уйда гулзорни.
Чўғдай ғунчаларни
Узиб хаёлан
Қимгадир хаёлан қиламан совға.
Баҳраманд бўларкан
Нурдан,
Зиёдан,
Атиргул илдизи яшнади сувда...
Охири
Илдизлар ўсиб,
Кўпайиб,
Биллурдай шишага бориб тақалди,
Шунда
Илдизчалар бирдан сарғайиб,
Новда яшиллиги,
Кўрки йўқолди...
Хонамда мўл
Тоза ҳаво,
Тоза нур...
Илдизлар
Бунча тез қуриб-сўлмаса?
Ҳа,

Ҳар қандай ҳаёт
Ёзолмас томир
Жиндаккина
Қора тупроқ бўлмаса...

2

Соатлаб учамиз арши аълода,
булутлар устида чордона қуриб.
Қуёш гоҳ қиздирар қирда лоладай,
гоҳо қиз боладай
кокилин ўриб.
Соатлаб учамиз арши аълода,
мудраб,
шахмат ўйнаб,
ўқиб борамиз.
Мансабдорнинг бурни пастда қолади,
хаёлдан ҳам
баланд чиқиб борамиз.
Ўргатилган каптар каби ниҳоят
шаҳар тепасида ёзганча қанот
самолёт қўнади...
ана, гилдирак
тупроққа «тўқ!» этиб тегади шунда.
Шунда
бир орзиқиб кетади юрак,
ер ҳиди,
ер дарди «гуп» этар қонда.
Тупроққа «тўқ» этиб теккан гилдирак
аллақандай азиз,
гўзал, ёқимли.
«Тўқ» этиб тегдими,
энди сен, демак,
ўйлайвер хотининг,
боланг, боғингни...

Кўчат бозорини айланар аёл,
Қўлида думалоқ, жажжи толсават.
Гулу райҳонларга тикилади лол,
Гултожикўрозлар тўқади савлат.
Аёл харид қилар духоба гулни,
Саватга жойлайди ҳар тупини шод.
Кўчат эгасига чўзаркан пулни
Дейди: «Оға, бир кафт тупроғингдан сот!»
Сотувчининг санчиқ турар танида,
Баравар зирқирар ўн уч яраси,
Бир кафт тупроқ учун кечиб жонидан,
Бир вақт жанг қилганди бу юрт боласи.
«Тупроқ сот» деган гап ханжардай ботди,
Оқарганча боқди аёл юзига.
Шалдироқ пулларни саватга отди,
Бир кафт тупроқ солди гул илдизига.

КОШКИЙДИ

Дунёдан беҳабар
Гўдак эдим у маҳал,
Навойи, Пушкинни
Келтирмасдим хаёлга.
Хотинлар йиғилиб ўқишарди шеър, ғазал,
Анграйиб боқардим
Мен шоира аёлга.
Шундай давраларда
Шеър тўқиган бир жувон
Ула-ўлгунимча турар кўзим ўнгида.
Эридан қорахат
Олган кун у нолон
Ғазал ўқиганди ёшин артиб енгида.
Дерди: «Сасиб битди шифтга осган қовуним.
Қайда Абдуллажон,
Энди келиб емасми?»
Тингладим
Мурғак қалб ғам ўтида қоврилиб,
Мени шоир қилган
Шу содда шеър эмасми?
Шу афтода шеърни
Тингламасам агарда,
Пушкинни ўқиб ҳам
Бўлардим оддий шеърхон.
Шоир бўлмаганим
Маъқул энди минг қарра,
Агар бўзламаса
Жуфтсиз қолиб бу жувон.

Кошки

Абдуллажон ўлмаган бўлса,
Кошкийди ёрининг таралмаса ноласи.

Кошкийди

Дунёда битта шоир кам бўлса,
Аммо кам бўлмаса битта инсон боласи.

1965

ОЛИЙ СОВЕТ БОҒИ ЁНИДА

Уфқларга ўмров кериб, бепоён
Денгиздек чайқалиб ётар пахтазор.
Ушбу пахтазорга қўшни,
Ёнма-ён

Олий Советнинг бир ажиб боғи бор.
Боғ ёнидан ўтиб қолдим ногихон,
Кўрдим:

Гўй бермоқда ажойиб бир ҳол:
Жийда ғарқ пишгану
Кўчага томон

Шохлари осилган кокилдек тол-тол.
Даладан қайтаркан теримчи қизлар
Кўрмоқчи бўлишди жийда тотини.
Аммо,

Юзга қалқиб яширин ҳислар
Ҳатто қўл чўзишмас эди
Тортиниб...

Шу тоб

Хижолатда қолишди қизлар,
Пишган жийда каби қизарди юзлар..
Дейман:

— Қизлар, нечун тортиниш даркор?
Ўз боғингиз — бу!
Сизлар боғбони.

Қошингиздек пайваст боққа пахтазор,
Юзингиздан олган гуллар жилони..
Меҳнат ялангизга бўлмаганда жўр
Шарқираб оқмасди бу боғ аро сув.

Шу

Яхлит тупроққа Сизлар тўккан тер
Ўз ҳаққингиз учун беминнат кўзгу.
Қани боққа киринг, бор неъматларни
Сахий мезбон каби Сизга тутаман.
Қани киринг,
Олий Совет номидан
Шоир сифатида таклиф этаман!

1959

КАЛЕНДАРЬ ВАРАҒИ

Календарь варағиң ҳар кун йиртамыз,
Утади якшанба, шанба, жумалар.
Эшик қоқиб келар ҳар кеч — эртамиз,
Куллар бульдозердай вазмин юмалар.

Биров металл қуяр терлаб мартенда,
Биров жужуқларга ясар снѐҳдон.
Биров тоғлар ошиб ҳар кеч, ҳар тонгда
Дори кашф этади ўтдан, гиѐҳдан.

Оқ халатли биров ақли, бармоғи
Минигинчи беморни сақлар қазодан.
Кеча ёнгинангда турган ўртоғиң
Бугун салом йўллар сенга фазодан.

Мотор гумбурию дутор садоси,
Шаҳарлар, шағаллар, шоввалар шашти —
Ҳаммаси омихта, гилос шодаси,
Тўғон тошқини-ю, бинолар гишти.

Куллар... Ҳосили мўл дарахтга ўхшар.
Савлатига жаҳон қилади танглик.
Календарь варағи узилиб тушар
Шу дарахтнинг вазмин меваси янглиқ.

1963

МАҚОЛ ҲАҚИДА

Китобда ё гапда ногихон
Учраб қолса ҳикматли мақол,
Кўз ўнгимда бўлур намоён
Мингга кирган донишманд бир чол.
Шу бобога набираман мен,
Изларидан дур тераман мен.

1961

ҚАРСАКЛАР

Авжга чиқар ногорабазм,
Раққоса қиз ўйнар хиромон.
Авжга чиқар тобора базм,
Таним яйраб қарсак ураман.
Қарсак урар хушнуд меҳмонлар,
Боғлар ошар шодлик, суронлар...
Жуфт қўллардан
Чақнар экан ўт,
Раққосанинг юзида олов.
Келинчакнинг
Епоги ёқут,
Қарсак уриб
Маст эди куёв...
Шу даврада
Қўриб қолдим... оҳ...
Жимжит боқиб турар бир меҳмон.
Қарсак чалмас,
Қўли эди тоқ,
Кўзларида ҳаяжон,
Туғён...
Якка қўллаб уролмас қарсак,
Элу юртга
Бахш этганки жон,
Миллион жуфт қўл
Қолиб саломат,
Иморатлар қурсин деганки
Ва тўйларда боплаб, аломат
Қарсакларни урсин деганки,

Бўлаётир шундай базмлар,
Жўшаётир
Шунчалар юрак,
Авжга чиқиб ўйин,
Ҳазиллар,
Янграётир шунчалар қарсак!

1959—62

Ш О Ш И Л А М И З...

Бу қайноқ ҳаётда ҳунаримиз кўп,
Иморатлар тиклаб,
Қурамиз тўғон.
Маъданларни қазиб оламиз тоғдан,
Яланғоч даштларга кийдирамиз сеп.
Биз — қари-қартанглар,
Чопқир ёшлармиз,
Ҳаммамиз ҳам
Қайгадир шошиламиз.
Шошиламиз лифтда,
Самолётда ҳам.
Қизиқ,
Шошиламиз тунлар уйқуда.
Хатто дангасалар шошилар жуда
Ялқовлик меъёри
Бўлмасин деб кам.
Гоҳ шошмай
Шафтоли пўстин шиламиз,
Йўқ,
Бу вақтда ҳам руҳан шошиламиз.
Шошамиз
Шафтоли дамаги токи
Шовуллаган мева дарахт бўлсин деб.
Одам
Утирса-да жимжит, тош қотиб
Шошар унинг дили,
Тирик идроки;
Тугамайди бизнинг

Бу ашуламыз,
Шошиламыз,
Ҳа,
Шошиламыз.
Ҳаракатдан қолмай қабрда ҳатто
Бу моддий оламда бўлай деб гувоҳ
Шошамиз.
Ўсамиз бўлиб бир гиёҳ,
Ва такрор яшаймиз шошқин ҳаётда;
Хуллас,
Қай ҳолатда,
Қай шаклдамиз,
Барибир шошамиз,
Шошиламыз...

1967

БОШСИЗ ҚЎҒИРЧОҚ

Борар эдим йўлкада шошиб,
Қўғирчоққа тушди назарим.
Узилганди танидан боши,
Таққа тўхтаб қолдим бўзариб;
Патила соч, жавдираган кўз,
Хандонписта сингари бир лаб
Кулаётган пайтда қиқирлаб
Шу ҳолатга тушипти эсиз.
Жанг йиллари ёш эдим,
Қон ҳиди
Урилмаган димоқларимга.
Танклар янчган гўдаклар доди
Қирган эмас қулоқларимга.
Бошсиз ётган қўғирчоқ ҳоли
Ҳаммасини эслатди бугун.
Кўрдим:
Дорга осилган чолни.
Кўрдим:
Фашист деганнинг турқин.
Кўрдим:
Кули кўкка соврилган
Нагасаки, Хиросимани.
Кўрдим:
Қора қонга қорилган
Минг-мингларча қора сиймони.
Қаршимдаги эса қўғирчоқ,
Лозим эмас бунга қайғурмоқ.
Бу бир бебош бола қилмиши,

Ақли етар ҳали нимага?
Аммо кимдир, қўйиб берсанг гар,
Айлантирмоқ бўлар
Ер юзини Хиросимага!
Ҳалол меҳнат билан мушт тугиб,
Барҳам бермоқ учун ажалга,
Жаҳон халқи бирлашган бугун!
Эрк берилмас бомба, ханжарга!
Қон етади! Улим етади!
Керак эмас зарра кўз ёши.
Ҳамма қитъа,
Ҳамма қитъада
Узилмасин ҳатто
Қўғирчоқ боши!

1965

ҲАФТАЛАР

Довуллерни писанд қилмасдан ҳатто,
Сукунатнинг совуқ қаърида чўкмай,
Бир текис айланар чархпалак — ҳафта,
Ариқдан, йўриқдан, тарихдан чиқмай.

Якшанбадан токи шанбага қадар
Чамбарчас, ўлчовлик мўъжаз бир гардиш.
Гирдобидан неча асрлар ўтар,
Инсон зоти кўрган фароғат, ташвиш.

Қирғин-қирғин жанглар, бомба портлаши,
Қизнинг ёноғида дард, ишва,
Ракета парвози, рикша додлаши —
Ҳаммаси баравар сиғар гардишга.

Еттита баҳодир — етти қодир кун
Замон хизматида ном олмиш — ҳафта,
Дунёда энг кичик, энг ботир қўшин —
Шулардир, минг йилки хато йўқ сафда.

Ҳеч нарса дунёга келмагай қайтиб,
Ҳеч нарса мунтазам яшамас такрор.
Ҳафтанинг кунлари келар саф тортиб,—
Ҳаёт мангулигин ким этар инкор?!

Айланиб-айланиб келавергач, оҳ,—
Ҳафтанинг етти банд мангу қўшиғи.

Одамзод толиқди, ҳайқирди ногоҳ:
Бир кунга сўнсайди бу оташ чўғи...

...Ҳафтанинг бир куни одамзод тинди,
Хизматига бормаи ётди уйда.
Дарахтнинг бир шохи наҳотки синди,
Наҳотки бир қудрат сўнди пайида?

Йўқ, йўқ, бу... инсонни овутмоқ учун
Сиртига мой сурган азалий меҳнат.
Қани ўша ором, фароғатли кун —
Айри тушдимикин қалбдан муҳаббат?

Дам олиш кунида, айтинг-чи, қани,
Фарзанд туғилиши тўхтаганими ё?
Якшанбанинг агар бўлмаса жони,—
Ажалсиз ўтарди шу куни дунё...

Ҳолбуки, ҳафтанинг ҳар они ҳаёт,
Ором деганлари ёлғон, мажозий.
Ҳафта қўшинида абадий сабот,
Қарши туролмагай дунё сарбози.

Айлана-айлана чийригидан у
Замон-замонларни ўтказар ютиб.
Комига тортса ҳам қанча бахт, қайғу,—
Озаймас, кўпаймас,— яшар не кутиб?

Билолмадим, ўйлай-ўйлай шу ҳақда
Ўтиб кетди, мана, неча юз ҳафта.

ҚАЛАМ ВА УМР

Ёзган сари қўлда қаламим
Кичраяди, адо бўлади.
Янги шеър дostonга доим
Қалам умри фидо бўлади.

Қарайману хўрсинаман гоҳ,
Тарашлайман янги қаламни.
Буниси ҳам беш кунлик ҳамроҳ,
Яна ёлғиз, дўстсиз қолайми?

Бошқасини оламан дарров,
Дўст тутуниб суҳбат қураман,
Юрагимдан бахш этиб олов,
Кўз нурымни унга бераман.

Куйлаб туриб ўлган ҳофиздай
Бу қалам ҳам ўтар оламдан.
Тушкунликка тизгин тутқизмай
Ўйга толгум:— Мен ҳам қаламман

Ҳа, қаламман, улкан ва тирик,
Ёзган сари тугаб бораман.
Кечалари қоқмасдан киприк,
Шеър ишқида пора-пораман,
Ёзган сари тугаб бораман.

Ва охири тугайман бир кун,
Етим қалам тушар қўлимдан.
Дўстим — қалам! Ўз дўстинг учун
Қасос олгин ёвуз ўлимдан:
Тушма бошқа шоир қўлидан.

1964

БАХТИЁРНИНГ ТҲИИДА

Бир нафас тўхтасин қўшиқ ҳам, куй ҳам,
Бир нафас тўхтасин шовқин-суронлар,
Бир нафас қулоқ сол, Бахтиёр укам,
Бир нафас тинглангиз, дўсту ёронлар!
Бахт ҳақида мен ҳам айтмоқчиман сўз,
Бир нафас тинглагин сен ҳам, келинчак;
Бир одам етишмас шу уйда, эсиз,
Келмас бир насиба таом илинса;
Келолмас ўғлининг бошин силашга,
Келолмас келинга совғалар олиб;
Келсайди фарзандлар қўярдик бошга,
Йўлига жонлардан поёндоз солиб;
У одам ётибди қора тупроқда,
Бир сиқим хоки ҳам биздан йироқда.
Элу юрт бошига тушгач оғир кун
Эгнидан беқасам тўнин ечганди.
Ватан, она учун, фарзанд, ёр учун
Ажалнинг оғзида олов кечганди.
Иккита қоракўз фарзандини у
Тушларида кўрди окопда ётиб,
Ёстиқдоши эса қолмиш серқайғу
Кўм-кўк довуччага кўнгли сус кетиб;
Яна фарзанд кўрар жафокаш жангчи,
Турилмаган фарзанд ҳаққи деб яна
Жон олиб, жон берди, душманни янчди,
Уйидан хат кутди ой, кунни санаб;
«Ўғил бўлса, номин қўйинг Бахтиёр»,
Дея мактуб ёзди жанг майдонидан.

Бу сўз ўтиб келди не юрт, не мазор,
Жой олгунча ўзбек хонадонидан.
Ўлимга юзма-юз турган одамнинг
Васияти эди шу бир оғиз сўз,
Бахтиёр, сен шундай кўрдинг оламини,
Отажонинг сени кўрмай юмди кўз.
Момик юзларингга юзини босиб
Эркалай олмади, кечир отангни.
Тақдир бахтни сенга этсин деб насиб
Олов ичра Бахт деб қўйди отингни;
Қўй, қайғурма, укам, қуйи солма бош,
Танда жонинг борки, оқла номингни.
Меҳрингни, қаҳрингни жам этиб кураш,
Ҳар қадамда ёқла, ёқла номингни.
Осонликча Бахт деб аталганинг йўқ,
Олов, қон ичида номинг туғилди.
Бахт душманларининг кўнгли бўлсин тўқ,
Енголмаслар сендай бахтли ўғилни,
Осонликча Бахт деб аталганинг йўқ!

1969



Чучмал гапларга ҳеч тоб-тоқатим йўқ,
 Ёқтирмайман сохта мулозаматни.
 Ёриб кўрсатмоқ-чун кўнгилни аниқ
 Тир каби тўғри тил лозиммасми?
 «Баҳор!», «Баҳор», дерлар бўлар-бўлмасга,
 Юз баҳорни кўрди, дерлар, фалончи.

Ахир ҳаёт

Фақат гул, сунбулмас-ку,
 Фақат гулда кўрманг гулгун оламини.
 Аччиқ аёзларга дош бермаса гар,
 Инсон қолар эди довуччадай гўр.

Жазирада

Тобланмаса одамлар
 Чечак ҳам чўяндай туюлар оғир.

Баҳор, гул қадрини
 Ётмайман инкор,

Гул ўрнида

Темир тутмасман қизга.

Фақат гулдан роҳат

Топмасман зинҳор,

Термулиб ўтмасман райҳон, ялпизга.

Тўрт минг фасл мавжуд

Қураш йўлида,

Ҳаёт дарахтида минг хил новда бор.

Бўронлардан ўтган инсон қўлида

Бир дона лоладир

Бутун бир баҳор.

ТУЗ ҲАҚИДА

Кашфиётлар кўпдир ёруғ дунёда,
Электрини
Бунёд этганда инсон
Юлдузлар шарманда бўлди самода.
Қуёшни яратмоқ
Туюлди осон.
Ракетага бағрин очди коинот
Самолётлар қолди
Жўн бир ижоддай.
Лекин
Бир кашфиёт
Абадул-абад
Эскирмайди сира нурдай,
Ҳаётдай:
Қачондир,
Кимнингдир донишманд боши
Туз ихтиро этган
Қўрқмай, чўчимай.
Меъёридан ортса
Шўр бўлар ошинг,
Агар
Камроқ бўлса
Ҳаётинг чучмал...

1966

«Баравармас дедиг
Беш қўл, беш панжа.
Шундандир ҳаётнинг нотекислиги.
Агарда
Беш бармоқ теппа-тенг бўлса,
Тугарди дунёнинг нотўкислиги».

Янглишдинг, биродар,
Қўрайлик қани,
Бу фикрингни ҳаёт этарми тасдиқ.
Беш панжангни тенг деб
Ўйлайлик, қани,
Букармисан уни ҳаддидан ортиқ?

Чинчалоқ тенг бўлса ўрта қўлингга,
Қўл келмас
Гурзи мушт тугмоғинг учун.
Шуни тугиб олки, дўстим, дилингга:
Туржилик орттирар панжалар кучин!

Ҳаётнинг хилма-хил
Қирралари ҳеч
Тараққиёт учун бўлолмас тўсиқ.
Аксинча,
Бахш этар турфа қудрат, куч,
Беш қўл ҳақиқати этгандай тасдиқ.
Фақат бир нарса шарт,
Беш қўл хизматин

Оқла меҳнат қилиб, эзгу иш қилиб.
Йўлингга ғов тушса
Букма қоматинг,
Панжангни бука бил
Мушт қилиб,
Мушт қилиб!

1963

ЎЗГАРМАЙДИ НОННИНГ МАЗАСИ

Овора бўласиз, овора,
Ўзгармайди ноннинг мазаси:
Кашфиётлар бўлаверади,
Янгиланур дунё тамоман.

Хотинларнинг либоси эса
Бугун калта, эртага узун.
Саҳроларнинг ўрнида дарё,
Дарёларнинг ўрнида шаҳар,—

Мана шундай остин-устунда
Ҳужайранинг босқини сабаб,—
Ҳар дақиқа ўзгарар жаҳон,—
Сигиб борган сари каллага.

Аммо, лекин... ноннинг мазаси
Ўша-ўша! Яралганида
Қандоқ бўлса ўшандоқ ҳамон,
Чумолининг бошидай ушоқ

Нон бўлгани учун, камида
Энг ҳаёли қиз ҳаёсидан,
Энг ўжарнинг ўжарлигидан,
Энг полвоннинг полвонлигидан —

Устун келар оқибатда у
Шу ўзгармас нон таъмин туйиб

Тўқлигидан шўхлик қилар жон.
Нон мазаси синггач қонига

Инсон тоғни қирқади карч-карч.
Қаттакон ер инсоннинг муштдек
Қалласига сиғиб бормоқда:
Ноннинг таъми ўзгарса агар

Сиғмай қолар каллага тариқ,
Ҳа, тариқча тафаккур сиғмас.
Хайриятки, она меҳридай
Ўзгармас ҳеч ноннинг мазаси.

1971

ҲИСОБОТ

Ўғлим комсомол сафига ўтаётган кунни ёзилган шег

Комсомолга ўтар ўғлим ўн тўрт ёшида,
Ўттиз бешнинг қоқ белида турибман ўзим.
Кечагина, эллигинчи йиллар бошида
Билет олиб ушалганди қалбдаги орзум.
Хўш, нималар қилиб бердим комсомолга мен,
Қани, қандай қаҳрамонлик кўрсата олдим?
Қайси ишим қўриқ очмоқ зафарига тенг,
Қани, қайси дарёга мен кўприклар солдим?
Ё учдимми самовотнинг чўққиларига,
Ёр қаъридан ёки маъдан излаб топдимми?
Ё кўксимни кўкнинг ёгин-чақинларига
Қалқон қилиб экинзорлар узра ёпдимми?
Йўқ! Буларнинг ҳеч бирини бажаролмадим,
Ағдар-тўнтар қаблдаги ишим йўқ бирор.
О, комсомол, кечир мени, машҳур бўлмадим
Ва бағишлай олмадим мен чўлларга баҳор.
О, комсомол, нимасини яширай сендан,
Ўзимга бир иморатни тикладим аранг.
Шунча оддий, шунча ношуд, шунчалик жўнман,
Қи қандайин мен чиқарай қор кўрпадан чанг?
Аммо, ўтган ёшлигимга ачинмайман ҳеч,
Комсомоллик йилларимни ўтказмадим пуч.
Шу камтарин, ростгўй, сайроқ қаламим билан,
Шеърингда ўзимга хос қадамим билан
Арзийди-ку қилсам ахир жиндай ифтихор,
Оғзимни мен очганим йўқ бекордан-бекор;
Энг ҳурматли устозларнинг қилиғида ҳам
Қинғирликнинг қирқ мингдан бир бўлагин кўрсам,—

Чидолмадим,— айтавердим юзма-юз бориб,
Утдим ўзим ва ўзганинг қалбини ёриб.
Нимасини яширайки, гоҳо ростгўйлик
Қаҳрамонлик билан дангал бўйлашиб қолди.
Улимларни енгган мардлар туриб типпа-тик,
Бир сўз айтмоқ учун гоҳо ўйлашиб қолди.
Шундай пайтда букилмади бу мўъжаз қаддим,
Мардлар айтмай турган сўзни шартта мен айтдим.
Оқ қоғозни қоралаган чоғимда доим
Оқлигини сақлаб қолдим қалбим қаърида.
Шунинг учун ажабмаски, бирорта сатрим
Юмаласа меҳнаткашнинг манглай терида.
О, комсомол, биласан-ку ҳалол шеър билағ
Утдим сендан ўтадиган қутлуғ йўлимни.
Ёшлигимни такрорлай деб янги қўр билан
Олиб келдим мана — ўн тўрт ёшлик ўғлимни.

ҚУША-ҚУША

Чарақлаб кетди тўйхонанинг чироқлари,
Қўшиқ, нағма билан тўлди
Осмоннинг ҳам қулоқлари.
Томирда туйғулардан ёқиб олов
Утирар келин-куёв.
Қадаҳ ушлаб айтилган истаклар
Иккаласин не-не фароғатга етаклар.
Ожиз қолур эртақлар...
Биров дейди:— Келин-куёв — қўш булбул
Муҳаббатнинг боғларида,
Атиргулнинг шохларида
Сайрасинлар шод нуқул.
Биров айтар:— Келин-куёв — қўш каптар,
Муҳаббатнинг осмонида
Иккаласи баланд учсин шу қадаҳ,
Бориб рақсга тушсинлар юлдузларнинг ёнида.
Яна биров кўтаради тик қадаҳ:
— Куёв тўра, келин бола, иккаласи қўш оҳу!
Товонларин қоятошга шарт қадаб
Тоғдан тоққа сакрасинлар, деб қолайлик биз: «Ёҳу!
Хуллас, яна сўзланди табриклар қўша-қўша,
Ташбиҳлар ўша-ўша.
Шунда Шодмонқул ота
Ўрнидан турди шартта.
— Болажонлар,— деди чол,
Мен сизлардай эмасман кўп сўзамол.
Гапирдингиз муҳаббатни бир дафтар қилиб,
Ошиқларни учирдингиз қўш каптар қилиб.

Тавба, оёқлари тегиб турмаса ерга

Ўхшармикин эр эрга?

Кийик бўлиб чошиб кетса агар отинча

Ўхшармикин хотинга?

Қўш булбулу қўш каптарлик қочмагай, токи

Умр ўтса меҳнат билан фаровон, тўқис.

Қайлиқларнинг бутун бўлса идроки

Осмонларни тинч қўйсину

Аввал бўлсин ерда... қўш... ҳўкиз!

Қарсак урди тўй аҳли ечилгандай муаммо,

Оёқ остида замин

Борлигидан шод эди ҳамма.

1973

«Шоирларда вафо йўқ!»— дейсан,
Ёғдирасан таъна тошини.

«Шеърларингда қуруқ мақтайсан,
Ёрнинг кўзи, ёрнинг қошини».

Дейсан: «Улуғ бобонг Алишер
Мадҳ этмади озмунча ёрни.
Ишқ таърифин, ўзинг айтиб бер,
Навонийдек куйлаган борми?»

Аммо нима бўлди оқибат,
Шоир ўтди бу дунёдан тоқ.
Қани ёру қани садоқат?
Қанча қизлар қолди кўкси доғ,
Шоир эса ўтди тоқ, бўйдоқ...

Навонийнинг набирасисан,
Менга вафо қилмоғинг гумон.
Илҳом олиб ёр нафасидан,
Яратасан қанча шеър, дoston...

Муддаонг шу, биламан, дейсан,
Ахир шундай қилди Навоний.
Мақташга-ку, тўғри, мақтайсан,
Аммо, севгинг, дейсан, ҳавойи»,

Йўқ! Хавотир олмагил, дилбар!
Сен бор, танҳо ўтаман қандоқ!
Сендек бир ёр топганда агар
Навоний ҳам ўтмасди бўйдоқ!

1961

Аразлашиб қолса агар ошиқ-мошиқлар
Дакки берманг, яраштирманг, тушманг ўртага.

Балки ойлар бўйи ҳижрон
Қалбларни тилар,
Балки улар
Апоқ-чапоқ бўлар эртага.
Балки
Қирмиз олма каби ёноқларига
Ҳижрон отлиқ ширин азоб
Ташлаб ўтгач из,
Гуноҳига иқрор бўлар аразлаган қиз
Ва отилар
Суйган ёрининг қучоқларига.
Балки йигит
Кечалари тўлғанар бедор,
Қиз исмини
Қалимадай айтиб пичирлар.
Шиппак қўлда,
Қиз оймасин ёнидан ўтар,
Беғуноҳ ёр
Ёр гуноҳин балки кечирар.
Ахир ишқ дегани
Фақат, фақат висолмас,
Бўсалар ҳам нуқул асал,
Нуқул ғазалмас.
Аразларда
Ва нозларда чиниқади ишқ,

Гирдобларда булоқ бўлиб
Тиниқади ишқ.
Қўйиб беринг,
Истаганча аразлашсинлар,
Синашсинлар қил устида туриб учма-уч.
Сўнг
Умрбод бирга-бирга доvon ошсинлар!..
Ёстиғини бошқа қўйиб
Ухламасин ҳеч.

1963

МАНЗАРАЛАР

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ¹

Булоқлардан сув ичиб, боғдан узиб ҳусайни,
Гўзал Тошкент оқшомин кезганмисан, оғайни?!

Қуёш ботиб уфқлар ранг олади қирмизи,
Минг ҳулкардан чиройли шаҳримизининг ҳар қизи.

Ой шуъласи қўнади гул, майса, япроқларга,
Сайлга чиққан бутун эл сингиб кетар боғларга.

Бахтли элда бахтлилар, ишчан, темир аҳдлилар,
Нурли оқшом шаҳрини кезади пойтахтлилар.

Қучоғини очади, шодлик тўла парк-боғлар,
Чаман гуллар тўлқини кўзларингни ардоқлар.

Райҳонларни ҳидласанг, дилингда қолмас ғубор,
Атиргулнинг хуш бўйи минг чаманга баробар;

Гулзор юртнинг каптарин гулдан икки қаноти,
Демак, гулдир абадий элнинг турмуш ҳаёти...

...Эҳ-е, қизлар чиндан ҳам ойдай кийина олар,
Қутмасинми уларни театр ва кинолар?!

Зар билан, мармар билан қад кўтарган опера,
Қўрганлар ҳам севганлар Навоийга набира.

¹ Бу шеър дўстим Хайриддин Салоҳ билан биргаликда ёзилган. (Авт.)

Улмас шоир достони дилга ором бахш этар,
Мангулик саҳнасида мангу санъат рақс этар.

Томошабин «Ҳамза»нинг ҳар зинасин севади,
Санъат дарёсин чуқур хазинасин севади.

Унда мезбон Ҳамза-ю, меҳмонлари тўқисдир,
Островский ва Тагор ҳамда улкан Шекспир.

Аламларда эзилган, бегуноҳ Дездемона,
Вафо ва содиқликка қанча бўлса парвона,

Шунча меҳрин қўйган эл театру Сорага,
Хуллас, унинг мақтови сиғмас ҳеч иборага.

Қўш театр ёнида қайнаб ётар қўш чашма,
Унга ошиқ юлдузлар кўкдан қилар карашма.

Сув юзида ўйнайди марваридлар шодаси,
Юзни майин силайди шўх фонтан шабадаси;

Шаҳарнинг ҳар қадами ажойиб бир сайилгоҳ,
Салорнинг бўйларидан узиб бўлурми нигоҳ!

Соҳил ўпиб тўлқини оқиб ётади Анҳор,
Гўёки шахримизнинг қоқ белига зар камар.

Ёшлик кўли живирлар, бу ёшлик табассуми,
Арзир йилга тенгласанг ҳар соғлом нафасини:

Бунда ором олади сайил чиққан бутун эл,
Тоштраму Тошсельмаш, Тахтапулу Текстиль.

Радиога бир ёнда дўстлар қулоқ солмоқда,
Шоир эҳтирос билан шеър ўқирди салмоқдор.

Тинглаганлар кўп мамнун, доно, теран калом, дер,
Шеъримиз арслони, яша Гафур Гулом, дер.

«Тошкентнома» достонин ёзган шоир Шайхзода
Гўзал кўл соҳилини кезиб юрар пиёда.

Қайноқ ҳаёт қўйнида созламоқчи қалб торин,
Қўришганга дер камтар: «Кўк чой қилди хумори».

Қайиқлару катерлар сузиб ўтса тўлқинда,
Толзор, соя-салқинлар қолиб кетар шовқинда.

Ўйин, шодлик макони катта танца майдони,
Қувноқ йигит-қиз билан тўлиқ унинг ҳар ёни.

Енгил учар оёқлар, қизлар ўйнар товусдай,
Ёз бўлса ҳам бу фасл гўзаллиги наврўздай...

Милиционер беш минут ёқса қизил чироғин,
Машиналар тизилар Ўрдадан Келесгача.

Шундай Тошкент оқшоми, кундузгидай чароғон,
Қайнар ҳаёт чашмаси! Ўйғоқдир атлас кеча.

1964

Гўзал Чимён, сени соғиниб
Яна келдим, қучоғингни оч!
Яна ошай Чотқол тоғини,
Чўққилардан ёзайин қулоч.

Қўшиғимга жўр бўлсин яна
Тоғ бағрини ёрган шалоланг.
Кўкрагимда ёна ва ёна
Жилвалансин наргиз ва лоланг.

Сочларимни тўзғитсин еллар,
Эркаласин сувнинг тўлқини.
Майли, турсин ҳайқириб селлар,
Майли, тунлар бузсин уйқуни.

Чақмоқ чақсин момақалди роқ,
Майли, кўкни қопласин булут.
Шалолангдек булутинг оппоқ,
Ёғдирасан сероблик ва қут...

Тиниқлашар яна чиройинг,
Ёстиғимга мен қўяман бош.
Парвонадир теппамда ойинг,
Тонгда эса уйғотар қуёш.

Гўзал Чимён, сени соғиниб
Яна келдим, қучоғингни оч!
Яна ошай Чотқол тоғини,
Чўққилардан ёзайин қулоч.

1956

ДАРАХТ ВА ШАМОЛ

Саратонда дарахт қуриди,
Яшил, сўлим япроқлар бирдан
Қогоз гулдай қолди бўзариб,
Шохлар мурда қўлидай қаттиқ.
Бу дарахтга қўнмас қуш зоти,
Кесак отмас шўх болалар ҳам.
Бу дарахтнинг тагида асло
Ўпишмайди ошиқ-маъшуқлар.
Фақат шамол
Содиқдир ҳамон,
Хазон бўлган барглар оралаб
Йиғлар,
Кўзда ёшсиз, қуп-қуруқ.
Томчи томмас қуруқ япроққа.
Яшили ҳам, сариғи ҳам барг,
Нима фарқи бордир шамолга?
Қобирғаси йўқки
Гар қаттиқ
Ботди десам қуруқ дарахтга.
Ва шамолнинг қалби ҳам йўқдир
Куйди десам куйган барг учун.
Саратонда дарахт қуриди,
Ёлғиз шамол қолди қошида.
Шамол, шамол,
Тириклигинини
Кўрсатгин-да тирик дарахтда.
Аза чоғи «ёр-ёр» айтгандай
Кўринмасин қиёфанг совуқ.

Ўз вақтида
Ва ўз жойида
Садоқат-ку яхши фазилат.
Қуриган бир дарахтга йиғлаб,
Қолиб кетма яшил ўрмондан.
Шамол, шамол,
Тириклигингни
Қўрсатгин-да, тирик дарахтда...

1967

ДУЛАНАЗОР ОРАЛАБ...

Йўлга чиқдим саҳарда туриб,
Пастда оқар шовуллаб Қўксув.
Тоғлар гаштин, нашъасин суриб
Қувончларга лим тўлди кўксим.
Дўланазор оралаб хушнуд
Кўтарилдим чўққилар томон.
Бийрон қўшиқ айтган ҳар қушни
Тинглаб завққа кўмилдим тамом.
Оқ патнисга марварид отиб
Ўйнаб ётар йўлимда чашма:
«Куйларимга қулоқ сол, ётиб,
Бу манзилдан ўтишга шошма!»
Таклиф этди қўйчивон бобо,
Қимиз қуйиб берди мешидан.
Най куйига бўлиб маҳлиё,
Оҳу ўтар тоғлар тўшидан.
Яна баланд қоялар ошиб
Қорли чўққи сари кетаман.
Булутларга теккудай бошим,
Қўл узатсам ойни тутаман.

1969

ҚОР ВА БАҲОР

Яшил майса униб чиқди гулзордан,
Қуёш нурларига яйраб чўмилди.

— Айтинг,

Қанча қолди баҳорга?—

Дея йўловчига тўниб термилди.

— Оз қолди,

Оз қолди,— дерди ўткинчи,

Гарчи узоқ эди жилвагар кўклам.

Қишининг ярмисида сўнмай илинжи

Майса гуркиради баҳорни йўқлаб.

Шу орада бирдан айниди ҳаво,

Майса сўрар:

— Қанча қолди баҳорга?

Ҳамон оз қолди деб беришар жавоб,

Гарчи кўмилмоқда майдонлар қорга.

Майсанинг бўғзидан тутди совуқ қор.

Аммоки умиди сўнмади шунда.

Жимит юрагида баҳор ишқи бор,

Илдизчаси ердан ҳарорат шимди.

«Баҳорга оз қолди!..»

Шивирлади у,

Йўқотмади асло яшиллигини.

Тан бериб охир қор

Эриб кетдию

Тасдиқлади баҳор яқинлигини.

1964

БУЗОҚ

Ўтган болалигим хотирасидан
Бир шеър айтгим келиб қолди шу тобда,
Қайковусдан чиқиб қиздириб бадан,
Ётар эдим қайноқ қумда, офтобда.
Сувнинг нарёғида эди ҳовлимиз,
Эшитилди бузоқ маъраши бирдан,
Маърарди бечора синиқ ва ҳолсиз,
Яланғоч югурдим — чиққандек гўрдан.
Қирсамки, чўзилиб ётарди бузоқ,
Боқарди кўзлари мўлтираб, ювош,
Теппасида отам қайрарди пичоқ,
Шунда дод солдим-у, кўтардим чуввос.
Маҳкам қучоқладим бузоқ бўйнидан.
Отам дер: «Нари бор, бу нима қилиқ!
Кўрсанг-чи, жонворнинг тоби айниди,
Пичоқ тортмасликдан бошқа чора йўқ».
Ўжар, эрка фарзанд эдим ғоятда,
Сўйдирмадим касал бузоқни шу кун.
Эртасига бузоқ оламдан ўтди,
Гўдак кўзларимга чўкди қора тун.
Сигиримиз эса озиб чўп бўлди,
Олдидан боргани тишларди тажанг.
Орқадан келгани тепиб даф қилди,
Қўлида бўш челак, онам дер: «Аттанг...
Аттанг, энди қандай қилиб соғамиз.
Кунига бир ҳовуз сути бор эди...»
Отам дер: «Қўявер, йўлин топамиз...»
Иккисин кўзида олам ёриди.

Бузоқ терисига тиқди-да сомон,
Отам келди сигир тарафга тезлаб,
Бузоқнинг ўрнида мен ўлгансимон,
Қотганимча қолдим борлигим музлаб...
Бузоғим бақрайиб боқди мен томон,
Нимжон оёғига сомон тиқилган.
Сомон, сомон, мунчоқ кўзларда сомон,
Ялпоқ қулоғига сомон тиқилган.
Сигир бечора-чи, қуйи **солди** бош,
Ҳидлаб кўргандан сўнг ўлик бузоқни...
Кўзларимда секин ғилтиллади ёш,
Лаънатладим шу кун суту қаймоқни.
Бир қошиқ қонимдан кечсин одамзод,
Бу воқеа тандан жоним суғурди,—
Қи шу кун ёқладим, ёқладим, ҳайҳот,
Ўз онамни эмас, она сигирни...

1971

ШАББОДА

Қилт этмайди
Дарахтнинг боши,
Қушларнинг ҳам тили осилар.
Олов пуркар босиб ва босиб,
Қоқ тепамда
Қуёш ҳарсиллар...
Енар,
Енар замин гардиши
Учоқдаги қайноқ товадай,
Нафас олиб кўрсин
Мард киши,
Димиқмоқнинг ўзи даводай...
Шунда
Эсиб қолди
Шаббода,
Шаббодаки... ингичка ипдай,
Беморига
Улим олдида
Ҳаёт олиб келган
Табибдай.
Бир нафасда ўтиб танимдан
Тирилтирди мени,
Дарахтни.
Оппоқ,
Нозик қўлчаси билан
Ғиппа бўғди қора дўзахни.

1967

ТОК ОЧИШ

Боққа чиқди боғбон бобо,
Орқасидан эргашдим.
Қўкрагимга тўлиб ҳаво,
Сурдим тупроқ, ер гаштин.

Бешикбоғдан ечилгандай
• Чақалоқ оёқлари,
Ток навдалар чуваб, ҳай-ҳай
Офтобда ўйноқларди.

Токда бўртган яшил куртак
Оламини яшартирди.
Чор атрофга ел-югурдак
«Қўклам!» деб хабар берди.

Ток очарнинг завқи шавқи
Куртакдай бўртди жонда.
Дейман: «Ўзим куртак ҳаққи
Не иш қилдим жаҳонда?..»

1970

БЕДАЗОР

Қабоғин ишқар қуёш ҳали уфқ ортида,
Естиқ билан бир бўлиб, сочи тўзғиб ухлар тонг.
Булбул ҳам мизғиб қолар гул очилган пайтида,
Танимни жимирилатар, сукут ўзи бир оҳанг.

Муздек нафас уфурар димоғимга бедазор,
Асабларим торлари юмшар ипак толадай.
Гуллаган бедаларнинг бошида оқ жиға бор,
Ёзда тўр дўппи кийган уч яшарлик боладай.

Беда баргин учида қалқиб турар марварид,
Кипригим қимирласа тўкилгудай дув этиб.
Қанчаки жафо чексам, қанча қилсам парвариш,
Шу шабнам доналарни теролмам инжу этиб.

Уятчан келинчакнинг оҳиста шивиридай
Бедазорни оралаб эсиб қолди шаббода.
Шудринг доначалари сохта ишқ тақдиридай
Узилди шода-шода, узилди шода-шода.

Естиқ билан бир бўлиб, сочи тўзғиб ухлар тонг.

1967

КУЗ ЛАВҲАСИ

Еру кўкни қоплаб сурони,
Бизда яшаб, қолмай армони
Учиб ўтар турна карвони...
Маҳал — куз!..

Сувлар оқар сокин ва тиниқ,
Балиқларнинг шарпаси аниқ
Эшитилар оқшом, сувга чиқ...
Гўзал, куз!

Боғларда ғарқ пишган олмалар,
Юзларида шакар ўрмалар.
Териб олинади тонналар —
Ҳар гал куз!..

Юрт омбори лиқ тўлди донга,
Пахта хирмон етди осмонга.
Серҳосил шу бизнинг бўстонга —
Сайқал куз!

Ҳали боғлар ҳосилга сероб!
Чаноқларда олтин беҳисоб.
Демак, дўстлар, бизга ҳам шу тоб —
Маҳтал куз!..

Ғайрат қилинг шундайин чоғда,
Ҳосил йиғинг далаю боғда,
Ўтмасин-да қолдириб доғда —
Жадал куз!

1952

У С М А

Йўлда давом этаркан бирдан
Тўхтаб қолдим эшик ёнида.
Ичкарига қизиқиш билан
Қарадим завқ жўшиб қонимда.

Пилик билан қошига аста
Ўсма тортар экан қизалоқ,
Кўзгу қарар қизга ҳавасда,
Қандай гўзал бу ноз, бу фироқ?

Гоҳ ўсманинг яшил шарбати
Оқиб тушар ёноқларига,
Аммо қиз-чи, парво қилмайди,
Ўсма сиқар бармоқларида.

Тикиламан бундай ҳолатни
Биринчи бор кўраётгандай.
Ўтиб қанча юрту элатни
«Ўсма не?» деб сўраётгандай...

Қизиқ, оддий ўсма қўйишда
Пинҳон экан шунча эҳтирос,
Қизларимиз нақ бир фаришта,
Десам кимда бўлур эътироз?

Бўёқ эмас, ўсманинг яшил
Қонин суртгач қизлар қошига,
Юрт ҳуснидан ранг олур асл
Гўзаллигу ёшлик, нашида.

Ч А Ш М А

Сувлари сутдай қайнар
Ва тошар.
Қўз олар остидаги
Лаъл тошлар.

Қуёш ҳадя этади
Шуъласин.
Олтин нурга ўрайди
Жилвасин.

Қониб ичиб майсалар
Усади.
Тоғликларга сув берар
Қўзада.

Қўзичоқдай сув ичдим
Қонмай ҳеч.
Ичган сарим чашма дер:
— Тағин ич!

Ичаман ўлкам суви —
Чашмадан.
Қанча ичсам мен шунча
Ташнаман!

1957

Анҳор ёқасида ҳид тарар ялпиз,
Сархуш бинафшанинг кўзи сузилар.
Ёрин қучоғида эркаланар қиз,
Йигитнинг жингалак сочини силар.

Пахса девор оша боқар чол-кампир,
Тезотар бедана тинмас қўшиқдан.
Ўтган ёшлигини шунда топгандир,
Кўз узмас кексалар ошиқ-мошиқдан.

Бир вақтлар шу чол ҳам анов йигитдай
Ёр кўзига ёниб боққан, эҳтимол.
Ширин ишқ онларин ким ҳам унутгай,
Йигит-қизга қараб жим қолади чол.

Бир вақтлар шу кампир анов ўт қиздай
Жингала сочини тарамабмиди?
Эшигидан ёрин куйсиз ўтқизмай,
Ўтганда изидан қарамабмиди?..

Пахса девор оша боқар чол-кампир,
Майлига, ошиқлар кўрса-кўрсинлар.
Ишқ билан, ёр билан дунё кўркаmdir,
Кампир хўрсинади, чол ҳам хўрсинар.

Ошиқлар севгидан чалганида най,
Кексаларга ёшлик кўрсатар жамол.
Ёшлар эса, бир вақт келиб шулардай
Чол-кампир бўлишни қилишмас хаёл...

1964

МАРСИЯЛАР

Дунёдан ўтдими Шайхзода устоз,
Мунча шошилмаса дўстин¹ ёнига?
Ажалнинг иккала панжаси беҳос
Чанг солган эканми улар жонига?

Тўкис этай дея бир кам оламини
Ҳайҳот, ўзи кетди бир кам олтишда.
Сеҳрлаб қўярди сўзи қаламини,
Қалам Шайхзодани кўрарди тушда.

Одамга меҳрибон эдингиз жуда,
Ташласангиз агар майин бир нигоҳ
Келгандай бўлардик дунёга қайта,
Аммо эмас эдик бизлар бегуноҳ.

Бевақт тақиллатиб дарвозангизни
Шеърларингизни чала қолдирдик гоҳо,
Шунда очиб мовий деразангизни
Ютардингиз кўк чой,
Ҳамда соф ҳаво.

Кейин яна
Оппоқ саҳарга қадар
Умр достонини эткизиб давом,
Тордан чиққан қуёш билан баравар

¹ Сад илгари вафот этган Ғ. Фулом кўзда тутилади. (Авт.)

Сиз ошар эдингиз ижодда доvon.
Тўқис этай дея бир кам оламини
Оламдан ўтдингиз бир кам олтмишда,
Сеҳрлаб кетдингиз сўзни,
Қаламини,
Тириксиз ҳаётда,
Хаёлда, тушда...

ИЗТИРОБ

Дўстим Хайриддин Салоҳ хотирасига

Саккиз ой илгари қўйдик қабрга,
Қабригга ташладим бир сиқим тупроқ.
Йиғлаганлар билан йиғладим бирга,
Сендан умидимни узмадим бироқ.
Кўз ўнгимда тирик қиёфанг турди,
Юмшоқ табассуминг, юмшоқ сўзларинг.
Ажал ваҳимасин нарига сурди
Юрагимга солган дўстлик ҳисларинг.
Наҳотки, наҳотки, сендан айрилдим,
Қиёматлик дўстим, азиз Хайриддин?

Отам ўлганида қалбим ўртанган,
Устоз тобутига боқдим аламноқ.
Тенгқурдан айрилмоқ — фожиа экан,
Чўғ бўлиб чўғмасман ва хок бўлиб хок...
Еш ўрнига зардоб томар кўзимдан,
Оҳ ўрнига кўчар қалбимдан ингроқ.
Хайҳот, завқ ололмай қолдим назмдан,
Дўстлигимиз ўзи шеър эди янгроқ.
Наҳотки, наҳотки, сендан айрилдим,
Қиёматлик дўстим, азиз Хайриддин?

Эллигинчи йиллар, шеърда биз мурғак
Полапон эдигу орзулар катта.
Ҳамид Олимжонни тирик кўролсак
Шай эдик жонни ҳам бермоққа ҳатто.
Хизрга йўлиққан камбағал каби
Ойбек бошмалдогин сиқдик бахтиёр.

Охир насиб этди шеърнинг шарафи,
Замон баёзида ўз номимиз бор.
Наҳотки, энди мен сендан айрилдим,
Қиёматлик дўстим, азиз Хайриддин?

«Ғафурга хат» ёзган домлаизмисол
Етиб бораймикин, дўстим, орқангдан?
Соғиндим, на қилай, ёнбошингга ол,
Дўст учун мен қачон недан қўрққанман?
Етим қаламингми, стим қаламинг
Қўлимда тебранар баҳоли қудрат.
Шу ҳам дўстликданми, ҳижрон, аламинг,
Ҳар зум ўйиб борар қалбимни қат-қат.
Наҳотки, наҳотки, сендан айрилдим,
Қиёматлик дўстим, азиз Хайриддин?

Икки бор ўлдими Амин Умарий,
Худди у сингари нозик ва нафис
Қуйлардинг чечакка, сувга хумори,
Наъматакдай тоғдан олардинг нафас.
Орамиз ҳозир ҳам эмас кўп йироқ,
Беш йилми, ўттиз йил нима деган гап?
Шеъримиз — шеър экан, ўзимиз — тупроқ
Аммо, лаҳза-лаҳза борғум такрорлаб:
Наҳотки, наҳотки, сендан айрилдим,
Қиёматлик дўстим, азиз Хайриддин?

К У Й Ч И

Қудрат Ҳикмат хотирасига

Силлиқ эмас, дағалроқ
Ўртоқ эдинг одамга.
Тўғрилиқдан гўзалроқ
Не бор ўзи оламда?

Тўғри гапнинг тўқмоғи
Билинмасди сўзингда.
Ростгўйликнинг чақмоғи
Чақнар эди юзингда.

Сал тиришиб пешонанг
Маъқуллардинг гапингни.
Тўғрилиқдан бериб ранг
Езардинг китобингни.

Микрофонни ёргудай
Дағал, баланд овозинг
Еқар эди чолғудай,
Содда, дўлвор ҳар сўзинг.

Магнитофон чархида
Қолмапти сендан садо.
Мен ожизман шарҳига,
Муҳаррир бермас нидо...

Қирчинингдан шунча тез
Қийилмассан, дедикми?

Меҳримиз қйлиб кўз-кўз
Қабрингга гул қўйдикми?

Сен туғма, ҳассос шоир,
Олмос сенинг юрагинг.
Жисминг чириса чирир,
Улмас сенинг юрагинг.

Бу қадим ер юзида
Бор эканми жужуқлар,
Жужуқларнинг оғзида
Сен яратган қўшиқлар!

Силлиқ эмас, дағалроқ
Уртоқ эдинг одамга.
Тўғрилиқдан гўзалроқ
Не бор ўзи оламда?

1968

МУРАББИЯ

Устоз Файратий хотирасига

Қаҳрамонга қўярлар ҳайкал,
Буюклар ҳам боқар мрамрдан.
Хонандадан қолган куй, ғазал
Толмас

мангуликка сафардан.

Устозлар-чи?

Уларнинг мисга

Ўйилмасдан қолса гоҳ номи,

Барибир ғам тушмагай бизга:

Шогирдлари — умрин давоми.

Ҳар бир шогирд — бир тирик ҳайкал

Орттираркан янги шогирд, куч,

Абадийлик шу-ку мукаммал,

Ёдгорликка ҳожат борми ҳеч!

Ўлмасликнинг шу хили гўзал.

Айрилиқнинг алами аммо

Юракларни эзгандан-эзар,

Юпатолмас мангулик ҳатто.

Шогирдликнинг шуниси... оғир.

1976

СОҒИНЧ

Рафиқам хотирасига

Жафокашим, ярим йўлда кетдинг-ку ташлаб,
Қучоғимда ўксик-ўксик жужуқлар қолди,
Етим кўздан томаётган кўз ёшга ўхшаб
Қаламимнинг бўғзида зор қўшиқлар қолди.

Йўқ, фаришта эмас эдинг парирўйгинам,
Рўзғор деган чигал дунё фидоси бўлиб
Тинчимасдинг: қувонардинг, чекар эдинг ғам,
Аммо оғиз очмас эдинг тақдирдан нолиб.

Кулсам болам лаби билан куламан дердинг,
Кечалари ҳар болангнинг жони оралаб
Кирдинг,

неки оғриқ бўлса битталаб тердинг,
Жигарингни бўлиб бердинг
пора-поралаб...

Аммо ўзинг қолганингда уқубат ичра,
Азобингнинг бир чимдимин бермадинг бўлиб.
Тирикларга бўлмасин деб бу дунё хира
Тобутда ҳам ётавердинг майин, ним кулиб.

Жужуқларни қандоқ қилиб юпатай энди?
Нону либос етимлиги эмас бу замон.
Мунисгинам, улар ахир сени соғинди,
Ахир меҳр етимлиги ҳаммадан ёмоң.

Она меҳрин бўлармиди ахир такрорлаб?

Ҳар қандайин мўъжизаю ҳар қандай ривож

Ожиз қолур, ожиз қолур, тополмас илож,

Фақат фарёд чекдим мен ҳам шуни иқрорлаб.

Ҳар нарсаниг давоми бор ҳаётда,
Ғунчадан сўнг — гул.
Булутдан сўнг офтоб кулар одатда,
Оловдан сўнг — кул.

Деразага тош текканда тарс этиб,
Синади чил-чил.
Туҳматдан сўнг таранг мия дарз кетиб,
Ғўлдирайди тил.

Қалит теккач қулфларнинг ҳам зил жағи
Очилур хандон.
Алмашинур шундай, ҳаёт бўёғи
Алвон ва алвон.

Ҳамма нарса ҳаракатда, ҳамиша,
Давом ва давом,
Фақат ўлим келгач тугар андиша
Тамом ва тамом.

Ўлимдан сўнг алмашинмас бўёқлар,
Фақат бир хилда
Тугар инсон, жонвор, ҳатто япроқлар,
О, умр, шул-да...

Лекин умр... кўчган бўлса қоғозга
Ижод, шеър бўлиб,
Ажал ўзи гўрга кирар бе аза
Қаро ер бўлиб...

АРМОНЛАР ҚОЛДИ

Сен кетдингу юракда армонлар қолди,
Боғим ичра бош эгиб райҳонлар қолди.

Ўзинг эккан атиргул ғунчалади, оҳ,
Аммо сенсиз очилмай ҳайронлар қолди.

Болаларинг меҳрингга тўймовди, ҳайҳот,
Термилганча нораства ўғлонлар қолди.

Сўзинг сўзида янграб бу жаҳон аро
Икки қизинг — тиллари бийронлар қолди.

Хайриятки, шулар бор — енголмас ҳижрон,
Жамолингдан шуларда нишонлар қолди.

Эрта хазон бўлсанг ҳам Юсуф қалбида
Хазон билмас хотира — тўғёнлар қолди.

—
Сендек содиқ эмас ҳеч нарса асло,
Сендек вафодору сендек бир сўзлик.
Қутсам ҳам кутмасам қилмайсан парво,
Барибир келасан ҳузуримга тик.

Сенинг борлигингни билмасдим ҳатто
Бу ёруғ дунёга келган лаҳзада
Сен мени кўзингга этгансану жо,
Қайта кўришмоққа бергансан ваъда.

Ваъданг чин. Ҳаттоки кексайиб, қариб
Ҳассага таяниб қолганимда ҳам
Келасан, танийсан бир марта кўриб,
Бағрингга оласан мамнун, хотиржам.

Шунчалик содиқсан, шунча вафодор,
Қарамайсан амал, илмим, шеъримга.
Сўрамайсан, қайда юрдинг дарбадар,
Ишинг йўқ қалбимни берсам ҳам кимга.

Шундай содиқсанки, кундузи оқшом
Дунёнинг жамики қора сиёҳин
Бетянгга чапласам, таҳқирласам ҳам,
Ўзгармайсан ва ўзгармас сиёқинг.

Афсуски, сен ўлим, ажалдир номинг,
Садоқатинг қурсин — мазмуни мозор.
Маъқул эди сен бевафо бўлганинг,
Ўлдирса ҳам сендай вафо қилса ёр.

1974

Тавба дейман, ушлайман ёқа,
Сенсиз кириб келди-я кўклам.
Ариқларда сув оқа-оқа
Бултургидай куйлади ўктам.

Барг чиқарди боғимда гилос,
Доналари ранг олди қизил.
Йўқ, йўқ, менинг ақлимга сиғмас,
Наҳот дунё зил тортмади, зил...

Кириб ишком ораларига
Коватокка узмовдинг япроқ,
Сенсиз туккан ғўраларига
Энди шарбат бераркин қандоқ?

Мавжудотни забтига олиб,
Тавба, сенсиз келмоқдадир ёз.
Қуёш кўкдан тиг санчар голиб,
Нури унинг ҳамон беқиёс.

Сенсиз наҳот ўзгарилмади,
Дарз кетмади бу кўҳна олам?
Чўкиб кетди чинорлар қадди,
Неъматларда қолмади-ку таъм.

Бир марта бош кўтариб ўзинг
Қайтариб бер тириклик таъмин.
Езлиги йўқ йўқса бу ёзнинг,
Сенсиз бефайз бу ҳаёт, замин.

СЎНГГИ НИГОҲ

Хайр девдинг, демовдинг-ку алвидо,
Сўник эмас эди сўнгги нигоҳинг.
Оҳ, йўқмиди, жудоликнинг олдида
Айтадиган бирор сўзинг, сўроғинг?

Ё ўзинг ҳам сезмадингми, азизам,
Нигоҳингнинг сўнгги нигоҳ эканин?
Сезмадингми киприк аро бу олам
Қора нуқта бўлиб бирдан чўкканин?

Юрагимда армон қолди, бир армон:
Сўнгги нафас туrolмадим бошингда.
У лаҳзани излаб-излаб ўтарман,
Бош қўярман қабрингдаги тошингга...

ЭШИГИМ ОЛДИДА

Ойлик олган куним бозорма-бозор
Айланиб харж этдим ҳамма пулимни.
Қандай нашьалидир бу катта рўзгор —
Бир гурур қиздирар эди дилимни.

Харид этдим катта ўғлимга пальто,
Кичигига қорни тешик мушукча.
Қизларимга атлас танладим шартта,
Кўрмай бирини кам, бирин ошиқча.

Қоғоз халта билан гўр халта омон,
Маданий ҳаммолмиз — эриш туюлмас.
Уч кило анору ўн дона ширмон,
Яна алланарса тўпладим, хуллас.

Ҳаммасини жойлаб, икки қўлим зил
Қўзғалдим, шотига қўшилдим отдай.
Асли чумчуқ эдим, бўлиб кетдим фил,
Уйим бор, жойим бор, нечун тинч ётай.

Шундоқ «азоб» билан, шундоқ шавқ билан
Эшигимга етиб келдим бир маҳал.
Аммо бор вужудим бўшашди бирдан,
Ичкари киролмай туриб қолдим лол.

Жафокашим, уйда сен йўқсан ахир,
Қандоқ кириб борай совға кўтариб?

Қарғишингда ҳатто бир олам меҳр —
Бўлармиди ўша бахтни қайтариб?

Болаларга, айт-чи, қайси қўл билан
Янги либослару ноз-неъмат тутай?
Ё эса шу ҳолда қайси йўл билан
Орқага қайтаю бош олиб кетай?

Оқдодик меҳрининг ўлмас қуввати!—
Дармон бер, бир ҳатлай остонам оша...
Етимликнинг эса ўксик қисмати!—
Қалбим томирига урмайтур теша...
Бир ҳатлаб ўтайин остонам оша...

РОССИЯ ҲАҚИДАГИ ШЕЪРЛАРДАН

ЭМАН

Эллик одам

(кўпчилиги элликдан ошган),

Зиёратга келмиш Ленин хонадонига.

Хоналарни кўриб бўлгач бир бошдан,

Аёл бошлаб келар

Кекса эман ёнига.

(Чиройли рус аёли бу —

доно, оқила,

Ёши унинг...

Аёл ёшин айтмоқдан сақлан!)

Дейди:

— Дўстлар, бу эманнинг тагида Ильич

Ҳордигини чиқарарди ҳар оқшом,

ҳар кеч.

Қаранг энди ёлғиз,

Ғамгин турипти эман,

Қариди у,

Кундан-кунга соғлиги ёмон.

Эллик одам

(кўпчилиги элликдан ошган),

Тикилишар бу дарахтнинг

ҳар бир шохига.

Аёл эса тўхтамасди ҳамон

Сўзлашдан:

— Умри унинг ўтмас

Эллик йил нарёғига...

Олимларнинг текшириши тасдиқлар шуни,

Ярим аср яшар эман

узюги билди.

Дўстлар,

Келинг ўша чоғда,

Кўрамиз, қани,

Тўғрими бу,

Е айтганлар бизга тахминан...

Эллик одам

(кўпчилиги элликдан ошган),

Гурра кулар,

Аёл эса боқади жиддий.

Кейин қалблар

Сесканади бир жимирлашдан,

Эман турар

Далда бермоқ бўлгандай худди.

О, табиат,

Қудратингга шу ярашурми:

Одам чўчиб тушса ўйлаб

Ярим асрни?

Ва тасалли берса унга... чириган дарахт.

ҚОСИМОВ КҮЧАСИ

Ленинград шаҳрида
Қосимов кўчаси бор.
Ожизман мен шарҳига,
Қим бу жангчи, фидокор?
Қўшним Қосим отанинг
Балки шудир фарзанди:
У охирги хатини
Шу ёқлардан ёзганди...
Ёким Қосим тоғамнинг
Невараси шу солдат:
Ленинграддан қаламни
Чархлаб ёзган у ҳам хат...
Эҳ-е, қанча Қосимов
Ватан учун жанг қилган.
Улуғлаб, ҳаммасини
Балки шу бир ном қолган.
Дерлар: қамал йиллари
Қосимов деган ўзбек,
Етимларнинг, тулларнинг
Қўнглини иситган ёздек.
Сўнгги бурда нонини
Едирган есирларга.
Фидо этган жонини
Ярадор, касалларга.
Госпиталларга бориб:
«Олинг мендан қон»,— деган
«Беморларга қон бериб,
Киритинг дармон»,— деган.

Уша ўзбекнинг, афсус,

Сўрашмаган отини.

Кейин топишолмаган

Ҳеч қандай ҳужжатини.

Ўлганда чўнтагидан

Чиқмаган ҳеч бир қоғоз.

Ўқишган билагидан

«Қосимов» сўзин, холос.

Шу кўчанинг номини

Атаганлар «Қосимов».

Темир лавҳа, ҳов ана,

Ҳамон турар осилиб.

Қанча Қосимов ўлган

Ватан учун жанг қилиб.

Шу ягона ном қолган

Ҳаммасини жам қилиб...

ОҚ ЛОЛА

Спасск минорасин шундоқ тагида
Шамолда тебранар оппоқ лолалар.
Баҳор ўрмалайди лола баргида,
Косасига тўлар олов шуълалар.
Ёғдусини қуёш йиғиб олар гоҳ,
Ажабо,
Шунда ҳам оппоқ лолалар
Жилоланар,
Бу қандай сир бўлди,
Қим этар огоҳ?
Қарасам Кремль юлдузи чақнар
Оқ кўнглимда,
Ҳамда оппоқ лолада.
Бу шуълани
Ёқиб қўйганмиз, гуллар
Қонга бўялмасин дея оламда.

КАЛТАК ЕМАСЛИК УЧУН

(Ҳазил)

Кинолентасидай айланиб турар
Чаққон эскалатор зинапояси.
Қараганим сари кўзларим тинар,
Гўзалларнинг бунда йўқ ниҳояси;
Қизлар, қизлар, нуқул қизлар ўтади,
Тушимда кўргандай тикиламан лол.
Тизилган маржонга ўхшаб кетади,
Ҳар битта зинада бир соҳибжамол,
Мовий кўзлар билан тўқнашавериб
Баттар қораяди қора кўзларим.
Ўз-ўзимга дейман: кўриб қол, кўриб,
Лаҳзани бой бермай қара, кўзларим!
Бугун нуқул қизлар чиқмиш кўчага,
Чиқмиш Москванинг жононалари.
Улар оёқ қўйса шартта кўчади
Метронинг мармар остоналари!

Бигиз пошналарнинг «дўқ-дўқи», ҳай-ҳай,
Ўқдай қадалади юраккинамга.
Зиналар айланар кинолентадай,
Гурс-гурс урилади ҳислар сийнамга.

Шу куни йўқотдим калавам учин,
Бўлавергач қизлар қаршимда пайдо...
Кеннойингдан калтак емаслик учун
Дўстим, тўхтатаман шеърни шу жойда.

СУВ САНЪАТИ

Сўз санъати, куй санъати, рақс санъати бор,
Сувдан санъат яралганин эслайсизми ҳеч?
Петргофда сувдан бунёд бўлмиш чаманзор,
Сувдан — лола, сувдан — япроқ, сувдан — оқ баҳор.
Сув фазога талпинади мисоли севинч.

Сув қайғудай милтирайди баргда — киприкда,
Сув қуёшнинг гардишидай сачратар эиё.
Афсоналар қатор турган каби кўрикда,
Ун фаришта зулф ўради битта кўприкда.
Сув — ёруғлик! — Демиш зотан, шарқлик авлиё.

Усмир Пушкин сочларининг жингаласидай
Ўйноқлаган фавворадан узолмайман кўз.
Россиянинг очиқкўнгил қиз боласидай,
Муҳаббатнинг энг биринчи гулғуласидай
Шўх бир шамол уриб ўтар юзларимга юз.

Одимлайман, вужудимда шукуҳ, фароғат,
Товус парин миниб олсам кўтаргудай руҳ.
Ҳузурига тортди мени мовий бир дарахт,
Шохларига мерайганча боқдим бир муддат,
Бирдан... Ёмғир савалади, деёлмадим: «Уҳ...»

Айтдиларки, Пётр I нинг ҳазилидир бу:
Оёғингни босолмасанг ҳушёр ва огоҳ,
Кўзларини кўп асарлар оша қисиб қув,
Анқовларни мана шундай туширади чув
Ёвузликка қарши ёвуз курашган подшоҳ.

ПЕТРИШЧЕВО ҚИШЛОҒИ

Октябрнинг бошида ёмғир ёғар майдалаб,
Муздек теккан томчидан сесканади ажириқ.
Сепкилдор япроқларни юлгач битта-битталаб,
Картошканинг палагин қорайтирар изгириқ.

Ялангоёқ Ванюша копток тепар ялангда,
Катя хола эгатдан чиқади қоп орқалаб.
Гўёки ҳеч воқеа бўлмагандай оламда
Куз қуёши илжаяр ёмғир тўридан қараб.

Миллион йил илгари ҳам, чорак аср аввал ҳам
Назаримда бу ҳолат сақланар бир маромда.
Она қуён ўртада болаларин этиб жам
Курт-курт қилар кечгача бош кўтармай карамдан

Петришчево қишлоғи шундайин оддий қишлоқ,
Бўлган эмас ҳеч маҳал шуҳратталаб, шонталаб.
Фақат ҳосил етказган, москвалик қизалоқ
Аччиқ боршч ичсин деган озғин танаси яйраб.

Хаёл сурганми дейсиз, бу қишлоқда ўзига
Москвалик Зоя ҳам ҳайкал-пайкал қўймоқдан.
Оғир кун келгач, тўлиб чексиз нафрат ҳисига,
Жангга кирган чўчимай ўлмоқдан, ўлдирмоқдан.

Шундай қилиб тарихда қолди қиз ҳам, қишлоқ ҳам
Қўли боғлиқ, кўзи ёшсиз, мағрур туради Зоя.

Пойида гулчамбарлар, пойида бутун кўклам
Қовжирар нораства қиз доғида куя-куя.

Октябрнинг бошида ёмғир ёғар майдалаб,
Муздек теккан томчидан сесканади ажирик,
Ҳайқал ёнида кампир йиғлар дарди қайталаб,
Она учун бу ахир айрилиқ-да, айрилиқ,
Она келсаю қизи қўзғалмаса жойидан.

КРАСАВИЦА»

«Красавица» — соҳибжамол кўл
Яшил ўрмон оралиғида.
Товланади тўлдириб соҳил
Шимол шаҳрин қорачиғидай.
Намозшомгул атлас сингари
Ёнар майда-майда мавжлари.

Қайиқ эмас қучоқларида
Мени олиб юргандай жонон,
Суздим кўлнинг ардоқларида,
Юракда ҳеч қолмади армон.
Қизнинг дўмбоқ кўксидай тўлқин
Ўйнаб турар қалқиб ва қалқиб.

Ана ўзи соҳибжамол қиз,
Танҳо сарвдай турар қирғоқда.
Красавица — шудир мовий кўз,
Олтин зулфи тўлқин урмоқда.
Қарармикин қалбим оҳига,
Шошиламан шунда соҳилга.

Келсам, ҳайҳот, рус дилбари йўқ,
Пичирлашиб қолмиш арчалар.
Оқ қайинлар шилдираб совуқ,
Атрофимда жарлар, жарчалар.
Красавица кўли ҳам ҳатто
Қўринади хунук, бедаво.

Оҳ, сен жонон, рус гўзали, оҳ,
Гўзал экан сен туфайли кўл,
Кўлга нигоҳ ташлаганинг чоқ
Красавица номин қўйган эл,
Қайт орқангга ва кўлга қайтар
Гўзалликин, файзни, эй дилбар!

ПЕТРОПАВЛОВСК ЗИЕРАТИДА

Бу ерда шоҳларнинг тиллакор қабри,
Қабр эмас, қасрга ўхшайди собор.
Бу ерда ҳукмрон ўлимнинг амри,
Узала тушгандир подшоҳлар қатор.
Нарёқда... қоронғи асрий зиндонлар,
Қон ҳиди ҳали ҳам урар димоққа.
Қўллар занжирдаю эрқда виждонлар,
Тинглангиз, Рилеев недир демоқда.
Кондратий дўстим, танияпсанми,
Шоирман сенингдай, юрагим оташ.
Шеърят улаган руҳ билан сени
Юз йил оша қучай, кел, эй жафокаш.
Хаёлга толаман. Бошқа улуг зот
Елкамга оҳиста қўяр қўлини.
Вужудимга инар бирдан ҳарорат,
Тоғ қадар матонат қамрар дилимни.
Чернишевский... кўзойнагини
Рўмолчаси билан артар қаршимда.
Россиянинг ёруғ келажагини
Титкилаб кўрмоқда балки шу зумда.
Жўхорининг ипак попукларидай
Малласочли йигит ҳов бурчакда лол.
Сашажон¹, мен сени нечун танимай,
Ёвузлик ҳуркиди сен солгач чангал.
Шундай, кечгача мен зиёрат қилдим
Кураш изларини, қон изларини.

¹ Александр Ульянов.

Қайтишимда яна узоқ тикилдим,
Кўрганда соборнинг ожизларини.
Ҳамон ётишипти мармар кўрпада,
Қўрқувдан ялтирар сағаналари.
Фақат Пётр I нинг қалби тепади,
Тиришади гоҳо пешоналари...

ҚОРА БУРГУТ

Ҳақиқатга тан бермоқлик мушукул масала,
Нодонларнинг нодони ҳам оқилман, дейди.
Сувман дея ўйнаб кўкка сапчир машъала,
Дарёда муз буғ таратиб «ёлқинман»— дейди.
Бородино майдонида ўзга

манзара:

Ҳақиқатга тан бермоқнинг битта гувоҳи —
Тош устида бургут турар ёвуз ва қора.
Ҳатто тош ҳам
Инграгудай ботса тирноғи,
Қанотларин ёйиб учмоқ

бўлару бироқ

Қаддини у кўтаролмас,

келмас мажоли.

Битта кўзи
Ғарбга боқар ғариб ва муштоқ,
Битта кўзи
Москвада — кўзлар ўлжани.
Наполеонга французлар қўйган ҳайкал бу,
Ҳақиқатнинг тан олинган битта тимсоли.
Асрларча жон қасдига тушган ажал бу,
Асрларча шундоқ унинг турқи, аҳволи.
Беш йил сўнгми,
Эллик йил сўнг, майли, барибир,
Эндиликда урушга қўл қўймоқ бўлган зот,
Ё Гитлерсан,
Ё Наполеон, — ундан шаридир,
Майли,

Шошма,

Қаламни қўй, бирпас ўйга бот,

Қўз ўнгингга бирпас келтир:

Бородинода

Қора бургут сенга қараб нима демоқда:

Ҳақиқатга тан бермоқлик

Мушкулдир гарчи...

ОҚ ТУНЛАР

Нева узра кўприклар бехос
Қоқ иккига ажралмоқда:
Учрашувга кечикдинг бир оз,
Қолиб кетдинг нарги қирғоқда;
Нафасингни келтирар шамол,
Рўмолингни юлқиб тортади.
Менинг эса, эй соҳибжамол,
Бу соҳилда ғамим ортади.
Дарё бўйлаб ёлғиз кезаман,
Сен томондан узолмайман кўз.
Қандай замон ахир, бу замон,
Айрилиқ бор, ҳижрон бор ҳануз?
Ё дарёга ўзим отайми,
Ғажишайми тўлқинлар билан?
Нева эса дегандай «майли»
Чақнар оппоқ ёлқинлар билан.
Оппоқ, оппоқ, эҳ-е ҳаммаёқ,
Оқ чайканинг томоғидай оқ.
Хаёлларнинг оқ қанотидан
Оққушларнинг пари тўкилар.
Оқ кечанинг нафосатидан
Ғам, надомат нари чекинар.
Сен тарафга қарайман, бироқ
Юрагимни ўртайди фироқ.
Икки ҳайдар кокилинг елда
Тўлғанади қоп-қора, узун.
Учларини тутгандай қўлда
Мафтун, фақат қарайман мафтун.

Оппоқ тунда қоп-қора сочинг
Кашф этди бир ажойиботким,
Билмам, қандай гўзалликка тенг,
Эс-ҳушимни зумда йўқотдим;
Бир ўхшатиш келди ўйимга:
Оқ юздаги қора хол янглиқ
Оқ кечада, Нева бўйида
Турар эдинг ёлқинли, ёниқ.
О, севгилим, о, шарқлик гўзал,
Сен шимолда шундай бир боқдинг,
Бундан буён жўн шеър, жўн ғазал
Ёзмоқликка йўқ сира ҳаққим.

«ҚАМОҚДА»

Иигирманчи,
 ўттизинчи қаватнинг
Орасида қолиб кетдик
 иккимиз.

Панжарадан
 кўрар эдик ҳаётни,
Гоҳ йиғимиз қистар,
 гоҳо кулгимиз.

Ё электр сими
 шартта узилди,
Ҳазиллашди ёки
 бирор олифта.

Қизнинг бодом қовоқлари
 осилди,
Қафасдаги қушдай типирлар
 лифтда.

Жон-жаҳди-ла
 ёпишади эшикка,
Қилт этмайди ҳатто
 эшик дастаси.

Уринамен мен ҳам
 уни очишга,
Уринмоқнинг
 йўқдир зарра фойдаси.

Охир тинчиб қолдик,
 секин қарадик
Ва тўқнашди кўзларимиз
 оҳиста.

Исмим айтиб,

унинг исмин сўрадим,

Турар сувдан янги чиққан

оққушдай.

Оппоқ қўлин секин ушлаб

кўраман,

Ёнимдаги қизми

ёки фаришта?

Кулиб дейди:

— бундай гапни сўраманг!

Кулгусидан қоронғи лифт

ёришди.

Шу орада

лифт устаси келади,

Кўрмоққа ҳеч йўқдир уни

хоҳишим.

У ишшайиб бизни

озод қилади,

Билмас, учиб кетар

қўлдан оққушим.

«Хайр!» дер қиз ташқарига

отилиб,

«Хайр...» дейман

сўзим тўхтаб томоқда.

Майли эди

бир кун кетсам отилиб,

Тушсам агар

яна шундай «қамоққа!»

НЕВА БАЛИҚЧИЛАРИ

Чағиллаб учади чайка сув узра,
Нева тўлқинлари чайқалар оғир.
Қайиқда қийқириб ўтади қизлар,
Ҳар кунгидан обод, қирғоқ, ёнбағир.

Балиқчилар қармоқ солишган сувга,
Дикиллар қорнидан боғланган пўкак.
Чувалчанглар ўхшар қизил оловга,
Яшнар тошни ёриб чиққан бир кўкат.

Якшанба эртаси шундай бошланар,
Петропавловск тўпи берганда овоз
Ёшлар чопар ошхонама-ошхона,
Чоллар бутерброд кавшайди оз-оз.

Майда балиқларни навдага териб
Балиқчилар хурсанд, танлари яйрар.
Хотинлари эса чарчаб ва ҳориб
Магазиндан излар лаққа ё сайра.

Балиқ тутмоқликнинг гашти ўзгача,
Балиқ емоқ эса маънисиз, жўн гап.
Тўлқинга қоришган хаёл бир ўлжа,
Бошинг янгиланар дарё, ов сабаб.

Ажабмас йилт этса қармоқ устида
Яралажак янги ижод, лойиҳа.
Ақл ўргатмайман бу хусусида.

Биламан шеърхоним, ақлинг жойида.
Қара, анов йигит тортмас қармоғин,
Ваҳоланки сакраб турар пўкағи.
Балки қуйилгандир фикр қаймоғи,
Балки бир жумбоқнинг белин букади.
Балиқ тутмоқликнинг гашти ўзгача,
Балиқ емоқ эса маънисиз, жўн гап...

НАПОЛЕОННИНГ БЮСТИ

Бородино музейида кўрдим мен уни,
Қиёфаси одам,
Қошу кўзи, боши бор.
Унутмайди тарих унинг ёвузлигини:
Кўрганларнинг бари тепиб ўтмоққа тайёр.
Майда-чуйда қурол,
Тошлар орасида у
Қўнқайганча турар битта жонсиз жисмдай.
«Баттар бўлсин!»
«Баттар бўлсин!»
Деб қичқирдим у
Бирдан бошқа туйғу пайдо бўлди жисмимда.
— Шошма!— дедим ўзим ўзимга бирдан,
Наполеоннинг бюстини сал кўтар ердан,
Ёвуз ёвни менсимаслик касали балки
Шундай чоғда илдиз отар ғафлатда қўйиб.
Дунё ҳали шундай жумбоқ,
Шундай чигалки,
Ўзгартириб бўлмас уни мақтаб ё койиб.
Наполеоннинг бюстини тошу ашёдан
Фарқ этайлик, дўстим,
Баланд қўйиб аслида,
У йиртқични кўриб қўйсин ахир ҳар одам,
У турипти қанча қону суяк устида...

МОСКВАДА «ПАХТАКОР»

Пойтахтдаман,
Бир ҳафтаки ичим илимас,
Еганимда, ичганимда ҳаловат йўқ ҳеч.
Баданимга игна санчсанг, тавба, билинмас,
Ўйларим гоҳ кескир-кескир...
Гоҳо эса берч...
Лужникига етиб келдим шу ҳолда охир,
Қопток каби бўлиб олдим, чоғи — юмалоқ.
Футбол марши
Томиримда югурди ғир-ғир,
Репортёрнинг карнайидай тарангдир қулоқ,
Майдоннинг қоқ

КИНДИГИДА ТҮРИПТИ КОПТОК,

Ҳа, тенгликнинг шу ер ҳозир олий нуқтаси.
Унг томонда «Торпедо»ю,

«Пахтакор» — чапда, —

Жанг бошланди.

Чиқа бошлар кўзим пахтаси.

— Ҳей-ҳей, ўзи нима гап бу?

Бўш-ку команда?

Судья ким бу?

Бизга нечук берар жарима?

Сўкинаман,

Ёмонларга мен ҳам ёмонман.

Меҳрим, қаҳрим етарлиқдир бу ер шарига!

...Йўқ, ҳайтовур. «Пахтакорим» иши ўнгланди.

Ёпирилиб бораверди олти тарафдан.

85 минг москвалик жимиб қолганди,

Битта ўзим ҳайқирардим —

шараф-шон!

Тўп зарбидан гўё қуёш тўри тўлғонди,
Дарвозабон «оҳ» деганча қолди талпиниб.
Бир гол билан ногоҳ тўфон қўзғолди,
Бир тиф

тилиб ўтди минглаб мезбон қалбини.

Девонавор қучоқладим ўзим ўзимни:
Ўзбекистон, жо-бажосан ҳозир бағримда!

Аммо

Қувонч тори бирдан шартта узилди,
Жоним чиқиб кетди чоғи, турган еримда.
Ола копток фалокатдай кириб олганча
Ётар эди дарвозамнинг тўрин... тўрида..
Ишқивозлар ер тепарди шовқин солганча,
Ғалабани энди кўрган каби умрида.

— Ғалабамас! Дуранг ахир,

Шошманглар!— дейман,

Қичиб қолар «Пахтакор»нинг оёқлари ҳам.

Юраккинам ҳаприқади, ҳовучимда жон,

Олам ҳисси ҳозир

меннинг

томиримда жам.

Афсонада айтилгандай, гўё бошимни

Қопток қилиб тепар —

тепса агар рақиблар.

«Пахтакор»нинг ҳар зарбаси эслатади яшинни,

Стадион — улкан калла,

зарбдан лақиллар.

Қайнамоқдан улуғ қозон тўхтади бир зум,

Абдурайим Биродарнинг аниқ мўлжали

Ғалабага

пойтахтда чиқарди ҳукм,

Полвонликнинг

битди

дағдағали жанжали.

Қувончимдан ёнимдаги одамни қучдим,
Мовий-мовий кўзларига боқдим таъналик.
Шинаванда экан у ҳам: бағрини очди,
Деди:— дўстим, киноянгиз эмас маънолик,
Ахир ўйланг,
Мамлакатда жами команда
Фуқароси — бутун

Совет Иттифоқининг!

Ҳа, қалайсиз?

Биру нолми?

Ютуқ... ҳа... ман... нда!

Ютқаздингиз,

қани,

қўлни қўлга жо қилинг!

Индолмадим...

Аммо баланд тутдим мен бошни:

Ҳамиша ҳам

Мана шундай ютқазсам... кошки!..

РАИС БИЛАН МУХБИРЛАР

«Ҳосилдорлик туғилади раисимиз уйида»,
Депти биров аскиячи пайравининг пайида.
Ботир ака кулди оғзин оҳиста ялтиллашиб,
Баланд қадин эгмадию боқиб қўйди хуш, латиф.

Аммо қизиқ, оғизларга қўйиб бўлмас дарвоза,
Қўп фарзандлик раис номи бўлиб кетди овоза.
«Ўн беш бола, ярим колхоз, ҳой-ҳой», дея, мухбирлар,
Даласин ҳам, боласин ҳам ёзаверди қурғурлар.
Ёзавергач кийим-бош-у, ёқа, енг ҳам қолмади,
Ёзди, ёзди, ҳар газета, АПН ҳам қолмади.

Оқибати шу бўлдики, четдан келди мухбирлар,
Ўтиб қанча денгизлару қанча водий, адирлар.
Микрофони тўғрилатиб раисимиз оғзига
Маҳтал бўлди узоқ элдан келган меҳмон сўзига.

Сўрашарди: шунча фарзанд, демак қанча невара...
Етмагандай раис қилиб сайлабдилар, на чора?
Айтинг шунча жиғилдонни сиз қандай тўйдирасиз?
Бу ҳам майли, эгнига-чи, нималар кийдирасиз?
Раис дейди аввало шу: мен ўзим ҳам фарзандман,
Фарзанд боқиб юрт ишига фидоликдан хурсандман.

Савол-савол, жавоблари бўлса ҳамки тап-тайёр,
Тушунтириб чарчайди-да Ботир ака бахтиёр,
Охир дейди саволларга жавоб бергач мукамал,
Бундан кўра ўн беш бола ўстирмоқлик кўп афзал...

Сўнгра раис кўрсатди колхозй, пахтасини,
Уйига ҳам олиб бориб кўз-кўз қилди боғчасини.
Меҳмон ҳайрон: шунчалик ҳам фаровон турмушингиз?
Жўжабирдек жон бўлиб ҳам тилладанми тишингиз?

Ботир ака жилмаяди, май қуяди қадаҳга:
— Қани олинг, ҳасанотдир ҳар пок ният қадамга!
Четдан келган ҳушёр меҳмон кайф қилади охири,
Дейди:— рости, нимадайкин қаримасликнинг сири?
Мезбон раис айтар: чиройлидир бу янги киноянгиз,
Буни мен ҳам билмайман-да, билади кеннойингиз!

1975

КУЗ ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Томскдаги педагогика институти студенткаси
Роза Шафигулина Америка турмасида кўриш қо-
билиятини йўқотган, тинчлик учун толмас кураш-
чи, коммунист Генри Уинистонга хат ёзиб, ўз кў-
зини унга бермоқчи эканлигини айтиди.

(«Правда» дан)

«Пичоқ ўтмагандай кун шуъласига,
Топтаб бўлмагандай чароғ зиёсин,
Халқ эрки-чун кураш алангасига
Бир хасдай тоб бермас зулм дунёси!

Демакки жанговар ўртоқ Уинистон,
Нурли кўзингизга чўкмагай зулмат!
Ўз кўзимни Сизга этай армуғон»,—
Жингала соч бир қиз ёзмиш шундай хат.

Зояни фашистлар дорга осганда
Бешигида муштин туккан шу гўдак
Зоядай бўй етиб бугун Ватанда,
Шу авлод шарафин сақлар поку пок.

Йигирма баҳорни кўрмишди Роза,
Мовийми, қорами ёр севган кўзлар,
Курашчига фидо бўлса у рози,
Биларки бу кўзлар зулматни кесар.

Уинистон ҳаяжон, ҳайрат ичида
Нотаниш шу қизга юборди мактуб:
«Миннатдорман сендан, қизгинам, жуда,
Кўзингмас, сўзинг ҳам қалбда ўт ёқди.

Ҳақиқат йўлида курашгум мудом,
Халқим бор, қалбим бор, кўз-ку шарт эмас.

Йўқ, йўқ, кўзларингни этмагил инъом,
Қўшалоқ қуёшдай порлаб турса, бас!

Элинг сочган ёғду ўзи кифоя,
Кураш йўлларимни этур чарогон,
Оламни тўлдирур меҳру зиёга
Халқинг боқиб
Тўрт юз миллион ёруғ қарогдан!»

1961

ХАТ ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Фарғоналик уста хат олди
Бугун Ленин хонадонидан.
Мўйлабини бураб шодланди
Ёрилгудай ҳаяжонидан.
Ёзмиш Ленин синглиси шундай:
«Сизга Ильич номидан раҳмат.
Нақшин стол — кўрса кўргундай,
Бу совғангиз ажиб бир санъат,
Ҳозир бетоб, тузалгач

тезда

Хат ёзади Ильичнинг ўзи».
Оромини йўқотди уста,
Шимол сари қадалди кўзи.
Аммо, афсус,
Лениндан мактуб
Ололмади бу муштоқ одам.
Оҳ, орадан икки кун ўтиб
Ильич кўзин юмди дунёдан.
Титраб кетди қалби устанинг,
Томир томирлари бўшашди.
Аммо
Бедор кутди эртани.
Эрта билан почтага шошди.
— Мактуб борми?
«Йўқ» деган жавоб
Чиқармади умидин пучга,
Ўз-ўзича уқтирди бир гап:
«Ўлим-йитим ётдир Ильичга».

Келиб қолар ҳадемай хати»...
Шундай қилиб уста кўп йиллар
Почтальоннинг йўлини пойлади.
Обод бўлди
Бўзрайган чўллар
Ва шаҳарлар тиклаб қаддини
Кундан-кунга қулоч ёяди.
Коммунизмнинг бир авлодини
Етказди Ватан вояга.
Уста яшил канал ёқалаб
Сайр этади ҳар субҳи саҳар.
Ва Ильични ўзича йўқлаб
Яна шимол тарафга боқар,
Боққан сари яйрайди кўзи,
Шовиллайди боғлар шамолда,
«Ильич,— дейди,—
мактубинг, сўзинг
Қоғоздамас,
экан
амалда!»

1968

МУҲАББАТ МАҚТУБЛАРИ

ҚИЗЛАРГА ХАТ

(Ҳазил)

Ишқ бошқаю шеър бошқа дейсиз,
Ер бошқаю эр бошқа дейсиз.
Севасизу шоирни, аммо
Инженерга тегиб кетасиз.
Шоир қалбин тилиб бепарво
Бир ўқ каби тешиб ўтасиз.
Қилар ишни қилиб ўзингиз
Шеър ўқигач, йиғлайсиз тагин,
Эрийдими шунда музингиз
Кўтаролмай муҳаббат доғин?
Ўзингиз-ку, ахир гуноҳкор,
Ўтиб кетди Навоий бўйдоқ.
Фузулийни этдингиз афгор,
Пушкинни ҳам қилдингиз адоқ,
Шеър ўқигач, йиғлайсиз тагин...
Шунча қурбон етмасми сизга,
Шунча кўз ёш озлик қиларми!
Ғам сурмами кўзларингизга,
Белингизни нозик қиларми!
Жигаридан уриб шоирни
Ов қиласиз минг йилдан буён,
Ов қиласиз, аммо охири
Ўзларингиз бўласиз қуён,
Шоир қолар жигарин ушлаб,
Юзи — қонсиз, эғни — ёқасиз.
Сиз қайдадир кўнгилни хушлаб
Эр боқасиз, бола боқасиз.
Қизлар, сўзим бўлса хатолик,

Ҳазилимни олмангиз оғир.
Қимни севиб кимга тегмоқлик
Ҳар кимнинг ўз хоҳиши ахир.
Тош дилларни ийдирмасангиз
Кириб қалбнинг чуқур ерига,
Шоирларни куйдирмасангиз
Яралмасди буюк шеърят!..

1967

АТИРГУЛ ҒУНЧАСИ

Ним табассум қилган қиз лаби мисол
Атиргул ғунчаси этур маҳлиё.
Шу ғунча очсин деб гулгун бир жамол
Булбул уйқу бермас севги аҳлига.
Шу булбулдай ёнсам тунлари бедор,
Шу ғунчадай лабинг очурмисан, ёр?

1960

СИЁБ ҚИЗИГА

Дарёйи Сиёбни кўрганимча йўқ,
Шаҳримга сен меҳмон бўлдинг-ку, гўзал,
Дарёнгни тасаввур этдим мен тўлиқ,
Дарёнг ҳусни
Сенда экан мукаммал.

Тўлқинлари
Сенга ошиқ эканми,
Қокилингни силаб-силаб тўймапти
Ошиқлардай шунчалар шўх эканми,
Сочингни жингала қилмай қўймапти.

Сиёб дарёсига
Ҳар тонгда шафақ,
Билдим, тўкар экан лахча-лахча чўғ,
Чўғ ва сувга юзинг чайқабсан фақат,
Қизил ёногингнинг шу-чуи тенги йўқ.

Дарёйинг сахий экан,
Гўзаллигини,
Бойлигини ҳадя этипти сенга,
Кечалари тинглаб ғазалларини
Гавҳардай жойлабсан куйчи кўксингга.

Дарёнг тиниқ экан,
Шундан, эҳтимол,
Кўзгу кўзгу эмас, сен кўзгу бўлиб
Ўлкам чиройини акс этдинг яққол,
Юрагимда қолдинг бир гулу бўлиб;

Меҳрингдан баҳраманд бўлай, маъзур тут,
Дарёнг бўйидаги битта гиёҳдай.
Қўшиқларинг билан вужудим титрат,
Хаёлим олиб қоч эрка Сиёбдай...

1962

РАЙҲОН ҲАҚИДА ИККИ ШЕЪР

I

Баҳор яшиллиги, мангу чиройи
Ором бағишлайди дудоқларингга.
Соғинган ёр каби термилар доим,
Ғубордан тозариб таратар хушбўй.

Ариқ бўйларида барқ урар сулув,
Шоввалардан тинглар шўх, ўйноқи куй.
Ёмғир... баргларига тўкилар инжу,
Ғубордан тозариб таратар хушбўй.

Райҳонлар, райҳонлар, сўлим райҳонлар!
Чаманзор боғимнинг энг нафис гули,
Райҳонзорлар аро қизлар, жононлар
Шўхлик қилиб ўтгач зулфи, кокили,—

Текканмиди сизга елда тўлғониб?
Бўлганмисиз дейман зулфдан муаттар?
Кокиллар атрига олгансиз қониб,
Хушбўй бўлмасдингиз йўқса бу қадар!

II

Романс

Кимгадир ёқар лола,
Ким атиргул шайдоси.
Мен учун райҳон аъло,
Райҳоннинг йўқ баҳоси.

ҚОРХАТ

(Ҳазил)

Кечалари уйқудан кечиб
Мактуб ёзар эдим жононга.
Ҳеч бирига жавоб бермасди
Қулоқ солмай оҳу фиғонга.

Хатларимни асраган бўлса
Юз чоғ китоб бўлишлиги рост.
Ҳаммасини тахласа бир йўл
Токчалари тўлишлиги рост.

Ахир шу ҳам инсоф бўлдим,
Шунча хатга ёзмаса бир хат.
Аччиқландим, мен ҳам ёзмадим,
Майли, қалбни эзсин муҳаббат!..

Кунлар ўтди. Бир кун ногихон
Бахтим кулди, ёр бўлди иқбол.
Қўлларимга илтифот билан
Хат тутқазди у соҳибжамол.

Тушим эмас, балки ўнгимда
Мактуб олдим ёримдан, шукур.
Очсам: «Қорхат!»— дилором сўзлар,
Бу сўзларни мен сақлайман сир...

Шундан бери ҳар дўстга дейман:
— Хат ёзмаса бўлма ноумид.
Бардош бериб бутун азобга,
Биринчи қор ёғишини кут!

1958

ҚОРХАТ

(Ҳазил)

Кечалари уйқудан кечиб
Мактуб ёзар эдим жононга.
Ҳеч бирига жавоб бермасди
Қулоқ солмай оҳу фиғонга.

Хатларимни асраган бўлса
Юз чоғ китоб бўлишлиги рост.
Ҳаммасини тахласа бир йўл
Токчалари тўлишлиги рост.

Ахир шу ҳам инсоф бўлдим,
Шунча хатга ёзмаса бир хат.
Аччиқландим, мен ҳам ёзмадим,
Майли, қалбни эзсин муҳаббат!..

Кунлар ўтди. Бир кун ноғиҳон
Бахтим кулди, ёр бўлди иқбол.
Қўлларимга илтифот билан
Хат тутқазди у соҳибжамол.

Тушим эмас, балки ўнгимда
Мактуб олдим ёримдан, шукур.
Очсам: «Қорхат!»— дилором сўзлар,
Бу сўзларни мен сақлайман сир...

Шундан бери ҳар дўстга дейман:
— Хат ёзмаса бўлма ноумид.
Бардош бериб бутун азобга,
Биринчи қор ёғишини кут!

1958

Райҳон ариқ бўйида
Усади хумор-хумор.
Ергинамни шу жойда
Кутамаи бедор-бедор.

Келса ёрим қўлига
Даста райҳон тутаман.
Райҳон ҳиди кўнглига
Олиб кирсин бир чаман.

Кўзларим ҳамон йўлда,
Кўринмас ёрим ҳамон.
Умид билан шамолда
Тебранар бир туп райҳон,

Кўринмас ёрим ҳамон...

1959—71

ҚОРХАТ

(Ҳазил)

Кечалари уйқудан кечиб
Мактуб ёзар эдим жононга.
Ҳеч бирига жавоб бермасди
Қулоқ солмай оҳу фиғонга.

Хатларимни асраган бўлса
Юз чоғ китоб бўлишлиги рост.
Ҳаммасини тахласа бир йўл
Токчалари тўлишлиги рост.

Ахир шу ҳам инсоф бўлдим,
Шунча хатга ёзмаса бир хат.
Аччиқландим, мен ҳам ёзмадим,
Майли, қалбни эсин муҳаббат!..

Кунлар ўтди. Бир кун ногихон
Бахтим кулди, ёр бўлди иқбол.
Қўлларимга илтифот билан
Хат тутқазди у соҳибжамол.

Тушим эмас, балки ўнгимда
Мактуб олдим ёримдан, шукур.
Очсам: «Қорхат!»— дилором сўзлар,
Бу сўзларни мен сақлайман сир...

Шундан бери ҳар дўстга дейман:
— Хат ёзмаса бўлма ноумид.
Бардош бериб бутун азобга,
Биринчи қор ёғишини кут!

1958

Райҳон ариқ бўйида
Усади хумор-хумор.
Ёргинамни шу жойда
Кутаман бедор-бедор.

Келса ёрим қўлига
Даста райҳон тутаман.
Райҳон ҳиди кўнглига
Олиб кирсин бир чаман.

Кўзларим ҳамон йўлда,
Кўринмас ёрим ҳамон.
Умид билан шамолда
Тебранар бир туп райҳон,

Кўринмас ёрим ҳамон...

1959—71

Оқшом оғушига киради боғлар,
 Хиёбонлар сўлим, соҳиллар сўлим.
 Яқин қолди висол — учрашув чоғлар,
 Йигитлар пойлайди дилбарлар йўлин.
 Шўх пардоз қилишиб қизлар тинчимас,
 Бир-бирига айтар:— атлас кий, атлас!

Сен ҳам учрашувга кечикяпсан, ёр,
 Яна ҳар сафарги дил ўртар нозинг.
 Қўзғу қаршисида такрор ва такрор
 Дейсанки, ярашур қайси либосим?
 Бари гўзалликда зарра кам эмас,
 Аммо менга қолса, атлас кий, атлас!

Ранглар алангаси, ранглар жилваси
 Қўзим қамаштириб, эсим оғдирсин.
 Фонтанлар ёнида атлас шуъласи
 Тиниқ тўлқинларга олов ёғдирсин,
 Сувларга тикилай маҳлиё, бесас,
 Бу гал учрашувда атлас кий, атлас!

Тўрт фаслни бирдан сайрга бошлаб чиқ:
 Қизили — қизил ёз, олтин рангда куз.
 Яшил бўёқларга баҳор қўйган ишқ,
 Ҳарир дурранг эса кумуш қишдан из.
 Рангда камалак ҳам келолмасин бас,
 Бу гал учрашувда атлас кий, атлас!

Оқшом оғушига киради боғлар,
Хиёбонлар сўлим, соҳиллар сўлим.
Яқин қолди висол — учрашув чоғлар,
Йигитлар пойлайди дилбарлар йўлин.
Шўх пардоз қилишиб қизлар тинчимас,
Бир-бирига айтар:— атлас кий, атлас!

Сен ҳам учрашувга кечикяпсан, ёр,
Яна ҳар сафарги дил ўртар нозинг.
Кўзгу қаршисида такрор ва такрор
Дейсанки, ярашур қайси либосим?
Бари гўзалликда зарра кам эмас,
Аммо менга қолса, атлас кий, атлас!

Ранглар алангаси, ранглар жилваси
Кўзим қамаштириб, эсим оғдирсин.
Фонтанлар ёнида атлас шуъласи
Тиниқ тўлқинларга олов ёғдирсин,
Сувларга тикилай маҳлиё, бесас,
Бу гал учрашувда атлас кий, атлас!

Тўрт фаслни бирдан сайрга бошлаб чиқ:
Қизили — қизил ёз, олтин рангда куз.
Яшил бўёқларга баҳор қўйган ишқ,
Ҳарир дурранг эса кумуш қишдан из.
Рангда камалак ҳам келолмасин бас,
Бу гал учрашувда атлас кий, атлас!

Оқшом оғушига киради боғлар,
 Хиёбонлар сўлим, соҳиллар сўлим.
 Яқин қолди висол — учрашув чоғлар,
 Йигитлар пойлайди дилбарлар йўлини.
 Шўх пардоз қилишиб қизлар тинчимас,
 Бир-бирига айтар:— атлас кий, атлас!

Сен ҳам учрашувга кечикяпсан, ёр,
 Яна ҳар сафарги дил ўртар нозинг.
 Кўзгу қаршисида такрор ва такрор
 Дейсанки, ярашур қайси либосим?
 Бари гўзалликда зарра кам эмас,
 Аммо менга қолса, атлас кий, атлас!

Ранглар алангаси, ранглар жилваси
 Кўзим қамаштириб, эсим оғдирсин.
 Фонтанлар ёнида атлас шуъласи
 Тиниқ тўлқинларга олов ёғдирсин,
 Сувларга тикилай маҳлиё, бесас,
 Бу гал учрашувда атлас кий, атлас!

Тўрт фаслни бирдан сайрга бошлаб чиқ:
 Қизили — қизил ёз, олтин рангда куз.
 Яшил бўёқларга баҳор қўйган ишқ,
 Ҳарир дурранг эса кумуш қишдан из.
 Рангда камалак ҳам келолмасин бас,
 Бу гал учрашувда атлас кий, атлас!

Оқшом оғушига киради боғлар,
Хиёбонлар сўлим, соҳиллар сўлим.
Яқин қолди висол — учрашув чоғлар,
Йигитлар пойлайди дилбарлар йўлини.
Шўх пардоз қилишиб қизлар тинчимас,
Бир-бирига айтар:— атлас кий, атлас!

Сен ҳам учрашувга кечикяпсан, ёр,
Яна ҳар сафарги дил ўртар нозинг.
Қўзғу қаршисида такрор ва такрор
Дейсанки, ярашур қайси либосим?
Бари гўзалликда зарра кам эмас,
Аммо менга қолса, атлас кий, атлас!

Ранглар алангаси, ранглар жилваси
Қўзим қамаштириб, эсим оғдирсин.
Фонтанлар ёнида атлас шуъласи
Тиниқ тўлқинларга олов ёғдирсин,
Сувларга тикилай маҳлиё, бесас,
Бу гал учрашувда атлас кий, атлас!

Тўрт фаслни бирдан сайрга бошлаб чиқ:
Қизили — қизил ёз, олтин рангда куз.
Яшил бўёқларга баҳор қўйган ишқ,
Ҳарир дурранг эса кумуш қишдан из.
Рангда камалак ҳам келолмасин бас,
Бу гал учрашувда атлас кий, атлас!

Е орқангдан бораймикин,
Қираймикин остонагдан.
Неки булса кўраймикин,
Кўраймикин пешонамдан.
Ҳеч бўлмаса «мутти-мутти»
Дерсан ахир: «Қим келутти?»

Ё қўлингга таёқ олиб
Қувлайсанми меҳмонингни.
Ундай бўлса қўйгин билиб,
Ортиқ бузмай оромингни.
Шоир аканг «мутти-мутти»
Бу дунёдан ўтди-ўтди.

1967

НАМАНГАНЛИК НОЗАНИН

Наманганлик нозанин қиз,
Боғларингда меванг ширин.
Сўз айтмоққа очсанг оғиз
«Мутти, мутти» шеванг ширин,
Деган саринг «мутти-мутти»
Қалбим уриб кетути.

Ун йил ўқиб тил дарсини
«Мутти-мутти» дейсан ҳамон.
Гоҳ ўрганиб, гоҳ хўрсиниб,
Ишқингда мен бўлдим тамом.
Деган саринг «мутти-мутти»,
Ичим ёниб кетути.

Меҳмон деган оддий сўзни
Шунча ширин айтасан, оҳ,
Бир кун десанг «севдим сизни»,
Эриб кетгум, бўлгил огоҳ,
Деган саринг «мутти-мутти»,
Бағрим куйиб кетути.

Ёқут кўзли узугингга
Боқиб қолдинг ҳаё билан,
Термилганча кўзгинангга,
Ўлтирибман хаёл билан.
Сўзлай қолгин «мутти-мутти»,
Сўзларингнинг қадри ўтди.

Наҳотки, ўртага сиғар айрилиқ?
Жавоб бер, илк севги, сен қайси жаллод?
Нетасан қалбларни ўтда қовуриб?
О, кечир, илк севгим,
Сенда гуноҳ йўқ,
Қаршингда гангиди ўзимнинг бошим.
Билмовдим
Дунёда бор деб айрилиқ.
Ун саккизда эди у чоғда ёшим,
Севгини китобдан ўқирдим, холос,
Қиз биллагин ушлаб кўрмовдим ҳали.
Ушанда
Сен келдинг, дилбар, дилнавоз,
Дебман сени шоир-поир хаёли.
Бирдан чақмоқ чақдинг мурғак бошимда,
Ушанда ҳам кулиб турдим қаршингда.
Суяк-суягимни зирқиратсанг ҳам
Ҳеч парво қилмадим, о, илк муҳаббат.
Боғлардан боғларга
Қўйдиму қадам,
Ер сочин силадим, топдим фароғат,
Илк бўса олибоқ
Бўлиб қолдим маст,
Муҳаббатдан, бахтдан бошим гангиган,
Билмабман
Бу ҳали муҳаббат эмас,
Муҳаббат йўлида битта жанг экан...
Илк севгани билан қовушганлар оз,
Ростини айтайлик,

Илк севгани билан қовушганлар оз,
Ростини айтайлик,
Яширмоқ нечун?
Илк севги
Бир марта келаркан холос,
Қалбингни бир умр ўртамоқ учун;

Ажабмаски,
Тўқсон ёшлик чол ҳам гоҳ.
«Ўшамисан?»— дея боқса ёш қизга.
Назарида ўша қурғур ҳамон шўх,
Ҳамон олов бўлиб кўринар кўзга.

Ажабмаски,
Тўқсон ёшлик кампирга
Ўша илк севганинг ҳозир чол десанг,
Шамшоддай қомати букир, дол десанг,
Онт ичанг — ишонмас асло гапингга.

Назарида ўша йигит ҳамон ёш,
Ҳамон ҳаяжонда титрар ўполмай,
Ҳамон сув бўйида эгиб турар бош —
Ун саккиз ёшидан нари ўтолмай.

Илк севгани билан қовушганлар оз,
Ростини айтайлик,
Яширмоқ нечун?
Илк севги

Вильям Шекспирдан

Шеърят манбайин топганда сендан
Мисраларимнинг йўқ эди қиёси.
Энди сўзларимнинг оташи сўнган,
Музамнинг ҳам тинмиш заиф овози.

Ашъорларим заиф, иқрорман ўзим,
Бироқ сен ҳар қандай мақтовга лойиқ.
Яъни, улуғласа шоир азим,—
Фазилатинг бисёр, сен — битмас бойлик.

Олижанобликни мадҳ этар шоир,
Бу сўзни ўғирлаб олгач хулқингдан.
Ва сўнг нафосатни нақд этар шоир,—
Яна ўмараркан сенинг мулкингдан.

Миннатдор бўлмоқлик лозимдир зотан
Сарфловчидан эмас, асл мулкдордан.

Вильям Шекспирдан

Шеърят манбайин топганда сендан
 Мисраларимнинг йўқ эди қиёси.
 Энди сўзларимнинг оташи сўнган,
 Музамнинг ҳам тинмиш заиф овози.

Ашъорларим заиф, иқрорман ўзим,
 Бироқ сен ҳар қандай мақтовга лойиқ.
 Яъни, улуғласа шоири азим,—
 Фазилатинг бисёр, сен — битмас бойлик.

Олижанобликни мадҳ этар шоир,
 Бу сўзни ўғирлаб олгач хулқингдан.
 Ва сўнг нафосатни нақд этар шоир,—
 Яна ўмараркан сенинг мулкингдан.

Миннатдор бўлмоқлик лозимдир зотан
 Сарфловчидан эмас, асл мулкдордан.

Инсон ўмри эмасдир мангу.

Сўнса агар шу нур, шу зиё,
Сен ҳувиллаб қоласан, замон
Ва қадрини йўқотар дунё,
Ғам қўйнига чўқар ер-замин.

Парвозингу одиминг, ҳайҳот,
Ўлчоғлиқдир, келгач муддати,—
Кимки йўлда — қучар гирдибод,
Мангу уйқу бўлар қисмати.

Табассум-ла ўйлайман ногоҳ,
Қаҳринг қолур қандай ожиз, лол:
Ёвузлигу қасосингни, оҳ,
Босиб ётса гунг тош бемалол.

Иисон умри эмасдир мангу.

Сўнса агар шу нур, шу зиё,
Сен ҳувиллаб қоласан, замон
Ва қадрини йўқотар дунё,
Ғам қўйнига чўкар ер-замин.

Парвозингу одиминг, ҳайҳот,
Ўлчоғлиқдир, келгач муддати,—
Кимки йўлда — қучар гирдибод,
Мангу уйқу бўлар қисмати.

Табассум-ла ўйлайман ногоҳ,
Қаҳринг қолур қандай ожиз, лол:
Евузлигу қасосингни, оҳ,
Босиб ётса гунг тош бемалол.

Ж. Байрондан

Замон! Сенинг эркин парвозинг
Судралар ё учар елсимон.
Бизни қишинг, баҳор ва ёзинг
Қувар, судрар ўлимга томон.

Мен дунёга кўз очганим он
Қўп инъомлар бахш этдинг, раҳмат.
Танҳоликда қолгандан буён
Элтмоқдаман барин беминнат.

Дўстлар қалбин мени эзган ғам
Поралашин истамасдим ҳеч.
Шодман: кимни мен севган бўлсам,
Бари ухлар самовотда тинч.

Улар ором олар. Мени-чи
Зўрликларинг қўёлмас букиб.
Мен яшаган йиллар сеники,
Қарзим уздим азият чекиб.

Изтиробда юпанч изи бор,
Қаршисида ҳукминг ҳам ожиз.
Улғаяди фақат ғам, озор,
Улғаяди ҳадсиз, ҳисобсиз

Узаймасин умрим дедим-у,
Хуш дамда ҳам хўрсиндим нолон.

А. С. Пушкиндан

Эманзорлар, хайр, кетаман,
Хайр, бегам дунё даласи.
Енгил қанот эрмаклар билан
Учиб кетган кунлар галаси.
Хайр, Тригорск, неча бор гулгун
Қувонч пешвоз чиққан хуш маскан.
Сени мангу тарк этмоқ учун
Сурганмидим нашидангни ман?
Олиб кетгум сендан хотирот,
Қалбимни-чи, ташлаб кетаман.
Эҳтимолки, (бу яхши ният!)
Қучоғингга тағин қайтаман.
Келсам Тригорск бағрига
Арғувонзор бергуси ором.
Фидоиман дўстлик эркига,
Ақлу сурон, нафосатга ҳам.

И. В. Гётедан

Шафақ ёнар, ҳали ҳам ҳаёлимда жамолинг,
жамолинг танҳо.
Сен орзум, сукут узра қадаб кумуш ҳилолин
ой қилар жило.
Кўраман сени аниқ, йўллардан кўтарилса
андак чанг, губор.
Ёлғиз йўлчи ўрмондан хавфсираб ўтар бўлса,
бу сендан хабар.
Танҳо, жонбахш бир садонг эшителиди менга
сув овозидан.
Чорлайди оқшомлари мени қалин ўрмонга
нозу роз билан.
Ёнингдаман, масофа йироқ бўлса ҳам майли,
яқинсан жондай.
Ой чиқди, қоронғуда иккимиз турган пайти
чиққан ўша ой!..

Эманзорлар, хайр, кетаман,
Хайр, бегам дунё даласи.
Енгил қанот эрмаклар билан
Учиб кетган кунлар галаси.
Хайр, Тригорск, неча бор гулгун
Қувонч пешвоз чиққан хуш маскан.
Сени мангу тарк этмоқ учун
Сурганмидим нашидангни ман?
Олиб кетгум сендан хотирот,
Қалбимни-чи, ташлаб кетаман.
Эҳтимолки, (бу яхши ният!)
Қучоғингга тагин қайтаман.
Келсам Тригорск бағрига
Арғувонзор бергуси ором.
Фидоиман дўстлик эркига,
Ақлу сурон, нафосатга ҳам.

И. В. Гётедан

Шафақ ёнар, ҳали ҳам ҳаёлимда жамолинг,
жамолинг танҳо.

Сен орзум, сукут узра қадаб кумуш ҳилолин
ой қилар жило.

Қўраман сени аниқ, йўллардан кўтарилса
андак чанг, губор.

Ёлғиз йўлчи ўрмондан хавфсираб ўтар бўлса,
бу сендан хабар.

Танҳо, жонбахш бир садонг эшитилади менга
сув овозидан.

Чорлайди оқшомлари мени қалин ўрмонга
нозу роз билан.

Ёнингдаман, масофа йироқ бўлса ҳам майли,
яқинсан жондай.

Ой чиқди, қоронғуда иккимиз турган пайти
чиққан ўша ой!..

Н. А. Некрасовдан

Уруш — офат, жонимга жафо,
Жангда бирор шаҳид қуласа
Ёр-дўстига ачинмам асло,
У мардга ҳам тутмагум аза.
Ҳайҳот! Бир кун юпангуси ёр,
Содиқ дўст ҳам дўстин унутгай.
Бу оламда бир жафокаш бор,
Ўлгунича ёдида тутгай!
Хушомадга қоришиқ бизнинг
Икир-чикир тириклик аро
Дунёда чин қайғуни сездим,
Ўл кўз ёши муқаддас, раво.
Бу онанинг кўз ёши эрур!
Қонли майдон бағрида мағрур
Ҳалок бўлган болаларини
Унутмас ҳеч. Мажнунтолсимон
Эгик шоху навдаларини
Кўтаролмай йиғлар у гирён.

Шу вақтгача туриб ёнингда
Сезмадим ҳеч юрагингда чўғ.
Чигоҳингга дуч келганимда
Юраккинам ўйнагани йўқ.

Нимадир бу?— Ҳижрондан бир сас
Солдимикин дилимга тўлқин.
Бу изтироб даракчисимас,
Мен севмайман — яширмоқ нечун?

Аммоки мен олдинда яна
Қолай дейман бир соат, бир кун.
Кўзларингнинг нуридан баҳра
Олиб ором топмоқлик учун.

Н. А. Некрасовдан

Уруш — офат, жонимга жафо,
Жангда бирор шахид қуласа
Ёр-дўстига ачинмам асло,
У мардга ҳам тутмагум аза.
Ҳайҳот! Бир кун юпангуси ёр,
Содиқ дўст ҳам дўстин унутгай.
Бу оламда бир жафокаш бор,
Улгунича ёдида тутгай!
Хушомадга қоришиқ бизнинг
Икир-чикир тириклик аро
Дунёда чин қайғуни сездим,
Ул кўз ёши муқаддас, раво.
Бу онанинг кўз ёши эрур!
Қонли майдон бағрида мағрур
Ҳалок бўлган болаларини
Унутмас ҳеч. Мажнунтолсимон
Эгик шоҳу навдаларини
Кўтаролмай йиғлар у гирён.

Шу вақтгача туриб ёнингда
Сезмадим ҳеч юрагингда чўғ.
Чигоҳингга дуч келганимда
Юраккинам ўйнагани йўқ.

Нимадир бу?— Ҳижрондан бир сас
Солдимикин дилимга тўлқин.
Бу изтироб даракчисимас,
Мен севмайман — яширмоқ нечун?

Аммоки мен олдингда яна
Қолай дейман бир соат, бир кун.
Кўзларингнинг нуридан баҳра
Олиб ором топмоқлик учун.

Олга элтаётган вақтнинг отини
Тезлатмоқ бўлгандим терлаб,

кўнриб,

Қамчилаб, чўчитиб, бериб додини,
Тингламоқ бўлганман туёқ дукурин.
Энди-чи, аввалги ҳаприқишлар йўқ,
Битта-битта санаб вақтнинг одимин
Эманлар шивирин тинглайман аниқ,
Ўрмон ариқчаси мўлтирар мўмин:
Ҳаётим суст эмас, ўтар оҳиста,
Чунки оқшом чоғи ўрмон осуда,
Хайрлашиб қолган шохлар шарпасин
Тинглайман мен сенсиз, иккимиз учун.

Эшикни оч, 5

Мовий осмон гумбази

Яққол кўринсин-у, қалб топсин ҳузур.

Хонамга таралсин боғлар нафаси,

Кўкрак қафасига тўлсин ёруғ нур.

Ҳаёт эканимни сен этгил тасдиқ,

Шамол ва самодан яралган дунё.

Кўз ўнгимда турар ўрмонлар қуюқ,

Алвон сари ўраб олгандай гўё;

Қачонлардир бошдан кечган ишқ дарди

Қалбимда қайтадан қилмоқда туғён,

Тўлқиндай тўлқинли сумбул сочларда,

Далаларда мени у чорлар пинҳон.

Асир бўлдим ёшлик, қувонч ҳиссига,

Бошимда фикрлар қилади гулув.

Шафақ жилоланар; осмон кўксига

Тонг тақиб қўйгандай бир шода инжу.

кечирсак,

келгуси устодлар

сўнгра

Бизнинг хатомизни

кечирмас зинҳор!

Болаларга

ёлгон

сўзламаниг зинҳор,

Ноҳақликка ишонч

қилмангиз пайдо.

Уқтирмангки,

ҳаёт ҳам беозор,

Ҳузур-ҳаловатдан

иборат

дунё.

Улар тушунишар,

улар ҳам инсон,

Неки машаққат бор —

айтинг бемалол.

Нелар бўлажагин

билишар осон,

Нелар бўлаётир —

кўрсатинг ҳалол.

Уларга дуч келар

йўлда

говлар ҳам,

Баъзан бошга тушар

офату бало.

Ҳа,

бахтнинг қадрига

етмаган одам

Ҳеч қачон

Евгений Евтушенкодан

Боладарга

ёлгон

сўзламанг зинҳор,

Ноҳақликка ишонч

қилмангиз пайдо.

Уқтирмангки,

ҳаёт ҳам беозор,

Ҳузур-ҳаловатдан

иборат

дунё.

Улар тушунишар,

улар ҳам инсон,

Неки машаққат бор —

айтинг бемалол.

Нелар бўлажагин

билишар осон,

Нелар бўлаётир —

кўрсатинг ҳалол.

Уларга дуч келар

йўлда

ғовлар ҳам,

Баъзан бошга тушар

офату бало.

Ҳа,

бахтнинг қадрига

етмаган одам

Ҳеч қачон

* * *

Ованес Шираздан

Бинафшага шивирлайди ел:
«Юр, денгизга олиб кетаман!»
«Йўқ, йўқ», дея хўрсинади гул,
Она-Ерсиз сўлиб битаман.

Аммоки ел гул дардин билмас,
Юлқиб кетар уни беомон
Ва кўрарки, қўлида гулмас,
Сўлиб ётар бир чимдим хазон.

МУНДАРИЖА

* Замон куйчиси. Тўлқин

ҚАЛАМНИНГ БУРЧИ

Эътиқод

Меҳрингга тўймайман

Тонготар қасидаси

«Янгроқлигинг...»

Нон ва қалам

Чорак аср ёшим бор

Мармарга томган кўз ёши

Насиба

Тупроқ ҳақида уч шеър

Кошкийди

Олий Совет боғи ёнида

Календарь варағи

Мақол ҳақида

Қарсақлар

Шошиламиз

Бошсиз қўғирчоқ

Ҳафтадан

* * *

Ованес Шираздан

Бинафшага шивирлайди ел:

«Юр, денгизга олиб кетаман!»

«Йўқ, йўқ», дея хўрсинади гул,

Она-Ерсиз сўлиб битаман.

Аммоки ел гул дардин билмас,

Юлқиб кетар уни беомон

Ва кўрарки, қўлида гулмас,

Сўлиб ётар бир чимдим хазон.

МУНДАРИЖА

* <i>Замон куйчиси. Тўлқин</i>	3
--	---

ҚАЛАМНИНГ БУРЧИ

Эътиқод	5
Меҳрингга тўймайман	8
Тонготар қасидаси	10
«Янгроқлигинг...»	13
Нон ва қалам	15
Чорак аср ёшим бор	16
Мармарга томган кўз ёши	18
Насиба	20
Тупроқ ҳақида уч шеър	22
Кошкийди	25
Олий Совет боғи ёнида	27
Календарь варағи	29
Мақол ҳақида	30
Қарсаклар	31
Шошиламиз	33
Бошсиз қўғирчоқ	35
Хяфталар	37

Эман	89
Қосимов кўчаси	91
Оқ лола	93
Қалтак емаслик учун	94
Сув санъати	95
Петришчево қишлоғи	96
«Красавица»	98
Петропавловск зиёратида	100
Қора бургут	102
Оқ тунлар	104
Қамоқда	106
Нева балиқчилари	108
Наполеоннинг бюсти	110
Москвада «Пахтакор»	111

ВОҶЕИИ УЧ ШЕЪР

Раис билан мухбирлар	114
Кўз ҳақида баллада	116
Хат ҳақида баллада	118

МУҲАББАТ МАКТУБЛАРИ

Қизларга хат	120
Атиргул гунчаси	122
Сиёб қизига	123
Райҳон ҳақида икки шеър	125
Қорхат	127

МАНЗАРАЛАР

Тошкент оқшоми	56
«Гўзал Чимён...»	59
Дарахт ва шамол	60
Дўланазор оралаб	62
Қор ва баҳор	63
Бузоқ	64
Шаббода	66
Ток очиш	67
Бедазор	68
Куз лавҳаси	69
Ўсма	70
Чашма	71
«Анҳор ёқасида...»	72

МАРСИЯЛАР

«Дунёдан ўтдим...»	73
Изтироб	75
Куйчи	77
Мураббий	79

СЕНСИЗ КҲУНЛАРИМ

Соғинч	80
«Ҳар нарсанинг...»	82
Армонлар қолди	83

Эман	89
Қосимов кўчаси	91
Оқ лола	93
Қалтак емаслик учун	94
Сув санъати	95
Петришчево қишлоғи	96
«Қрасавица»	98
Петропавловск зиёратида	100
Қора бургут	102
Оқ тунлар	104
Қамоқда	106
Нева балиқчилари	108
Наполеоннинг бюсти	110
Москвада «Пахтакор»	111

ВОҚЕИЙ УЧ ШЕЪР

Раис билан мухбирлар	114
Кўз ҳақида баллада	116
Хат ҳақида баллада	118

МУҲАББАТ МАКТУБЛАРИ

Қизларга хат	120
Атиргул ғунчаси	122
Сиёб қизига	123
Райҳон ҳақида икки шеър	125
Қорхат	127

МАНЗАРАЛАР

Тошкент оқшоми	56
«Гўзал Чимён...»	59
Дарахт ва шамол	60
Дўланазор оралаб	62
Қор ва баҳор	63
Бузоқ	64
Шаббода	66
Ток очиш	67
Бедазор	68
Куз лавҳаси	69
Ўсма	70
Чашма	71
«Анҳор ёқасида...»	72

МАРСИЯЛАР

«Дунёдан ўтдимми...»	73
Изтироб	75
Куйчи	77
Мураббий	79

СЕНСИЗ ҚУНЛАРИМ

Соғинч	80
«Ҳар нарсанинг...»	82
Армонлар қолди	83

Эман	89
Қосимов кўчаси	91
Оқ лола	93
Қалтак емаслик учун	94
Сув санъати	95
Петришчево қишлоғи	96
«Қрасавица»	98
Петропавловск зиёратида	100
Қора бургут	102
Оқ тунлар	104
Қамоқда	106
Нева балиқчилари	108
Наполеоннинг бюсти	110
Москвада «Пахтакор»	111

ВОҶЕИИ УЧ ШЕЪР

Раис билан мухбирлар	114
Кўз ҳақида баллада	116
Хат ҳақида баллада	118

МУҲАББАТ МАКТУБЛАРИ

Қизларга хат	120
Атиргул ғунчаси	122
Сиёб қизига	123
Райҳон ҳақида икки шеър	125
Қорхат	127

МАНЗАРАЛАР

Тошкент оқшоми	56
«Гўзал Чимён...»	59
Дарахт ва шамол	60
Дўланазор оралаб	62
Қор ва баҳор	63
Бузоқ	64
Шаббода	66
Ток очиш	67
Бедазор	68
Куз лавҳаси	69
Ўсма	70
Чашма	71
«Анҳор ёқасида...»	72

МАРСИЯЛАР

«Дунёдан ўтдим...»	73
Изтироб	75
Куйчи	77
Мураббий	79

СЕНСИЗ КУНЛАРИМ

Соғинч	80
«Ҳар нарсанинг...»	82
Армонлар қолди	83

СЛИЯНИЕ ДУШ

Стихи

Редактор Ш. Раҳмонов

Рассом А. Визель

Расмлар редактори А. Пономарёв

Техн. редактор М. Исмоилова

Корректор М. Қудратова

ИБ № 1648

Босмахонага берилди 23.03.81. Босишга рухсат этилди 14.07.81. Формати: 70×90^{1/16}. Босмахона қоғози № 1. Адабий гарнитур. Юқори босма. Шартли босма л. 5,55. Нашр л. 4,5. Тиражи 10000. Заказ № 1410. Баҳоси 75 т. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 700129. Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Дилас кин, атлас	128
Наманганлик нозанин	130
Илк севги	132

ДИЛДАН ДИЛГА

Сонет (В. Шекспирдан)	135
Замонга хитоб. (Ж. Байрондан)	136
Қалб яқинлиги (Гётедан)	138
«Эманзорлар...» (Пушкиндан)	139
«Шу вақтгача...» (Лермонтовдан)	140
«Уруш офат...» (Некрасовдан)	141
Эшикни оч (Тагордан)	142
«Олға элтаётган...» (Маршакдан)	143
«Болаларга...» (Евтушенкодан)	144
«Бинафшага...» (Ованес Шираздан)	146

Тузувчи Тўлқин

Марҳум шоир Юсуф Шомансурнинг «Қўш юрак» деб аталган ушбу китобига кирган шеърлар унинг турли йилларда нашр этилган шеърӣй тўпламларидан сайлаб олинди. Шоирнинг йигирма йиллик ижодий фаолиятидан намуна бўлган бу китобнинг асосий мундарижасини замон, инсон, муҳаббат мавзuidaги шеърлар ташкил қилади. Шунингдек, китобдан шоирнинг жаҳон ва рус шеъриятидан қилган айрим таржималари ҳам ўрин олган.

Шомансур, Юсуф. Слияние душ. Стихи.

У:2

Шомансур, Юсуф.

Қўш юрак: Шеърлар. /Тузувчи Тўлқин/.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.—152б.

Тузувчи Тўлқин

Мархум шоир Юсуф Шомансурнинг «Қўш юрак» деб аталган ушбу китобиға кирган шеърлар унинг турли йилларда нашр этилган шеърӣй тўпламларидан сайлаб олинди. Шоирнинг йигирма йиллик ижодий фаолиятидан намуна бўлган бу китобнинг асосий мундарижасини замон, инсон, муҳаббат мавзундаги шеърлар ташкил қилади. Шунингдек, китобдан шоирнинг жаҳон ва рус шеъриятидан қилган айрим таржималари ҳам ўрин олган.

Шомансур, Юсуф. Слияние душ. Стихи.

Уз2

Шомансур, Юсуф.

Қўш юрак: Шеърлар. /Тузувчи Тўлқин/.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.—152б.
